Ёш ленинчи

Ўзбекистон комсомол-ёшлари рўзномаси

1991 йил
6 март
Чоршанба
№ 37 (13.723).

Баҳоси:
Обуначига — 6 тийин.
Сотувда — 10 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • السلام عليكم، عزيز موشترى !

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИТТИФОҚДОШ ВА МУХТОР ЖУМҲУРИЯТЛАР ҲУКУМАТЛАРИГА, МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИГА, МАМЛАКАТ ФУҚАРОЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли ўртоқлар!

Кейинги вақтда металлургия саноатида жуда оғир аҳвол вужудга келди. Кокс батареялари, домна печлари, пўлат эритиш агрегатлари тўхтатиб қўйилмоқда ёки тўла қувват билан ишламаяпти, уларнинг баъзилари авария ҳолатида ишламоқда, халқ хўжалигига рангли ва қора металлар, прокат ва қувурлар тобора кам етказиб берилмоқда. Металл бўлмаса, нефть ва газ ҳам, энергия ва иссиқлик ҳам, машиналар ва нон ҳам бўлмаслигини, халқ хўжалиги деярли барча тармоқларининг меҳнат жамоалари учун иш билан таъминлаб бўлмаслигини эҳтимол, ҳеч кимга изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир.

Бундай вазият кўп жиҳатдан ўтган йили металлурглар шахтёрлардан зарур миқдорда коксланувчи кўмир олмаган пайтда, уларнинг иш ташлаши туфайли юзага келди. Металлурглар мамлакат олдидаги ўз масъулиятини тушунган ҳолда кўмир етишмаслигини технология заҳираларини камайтириш ва пўлат эритиш чоғида темир-терсаклар сарфини кўпайтириш ҳисобига қисман тўлдирдилар. Аммо ҳозирги пайтда коксланувчи кўмир етказиб беришда зарур даражага эришилмади. Айни пайтда темир-терсак тайёрлаш пасайиб кетди. Бу эса металлургия саноати ишини тўхтаб қолиш даражасига олиб келмоқда. Натижада шу йилнинг икки ойи ичида биз 1,5 миллион тонна шундай ғоят зарур пўлатни эрита олмадик ва халқ хўжалигига бир миллион тоннадан ортиқ прокат, кўп миқдорда рангли металл етказиб бера олмадик. Аҳвол жуда қалтис бўлиб қолди, деб айтиш мумкин.

Ҳукумат зарур чораларни кўрмоқда: коксланувчи кўмир ва темир-терсак экспорт қилиш тўхтатиб қўйилди, уларнинг нархи ўрта ҳисобда 60 фоиз оширилди. Темир-терсак тўплаш ва улардан фойдаланишни рағбатлантирувчи бошқа иқтисодий чоралар кўриб чиқилмоқда.

Бироқ буларнинг ҳаммасини темир-терсак тўплаш ва топширишни ташкил этишни кескин ҳшилаш билан мустаҳкамлаш зарур. Мамлакатда темир-терсак бор. Халқ хўжалигида фойдаланилмаётган темир-терсак заҳираларининг ўзи 10 миллион тоннадан ошади, бунча миқдордаги темир-терсак металлургия саноатининг узлуксиз ишлашини тўла таъминлаши, машиналар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун, қурилиш учун металл бериши мумкин.

Ҳозирги вақтда СССР металлургия вазирлиги асосан металлургия ишлаб чиқаришида ҳам, шунингдек «Союзвторомет» концерни таркибида ҳам кичик корхоналар ташкил этишга оид катта ишларни бошлаб юборди. Темир-терсак тўплаш юзасидан бундай корхоналар ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан манфаатлидир. Биз барча вазирликлар ва идораларнинг бирлашмалари ҳамда корхоналарига қора ва рангли металлар темир-терсакларини тўплаш учун кичик корхоналар ташкил этиш тадбирларини кўришни тавсия этамиз. Бундан мақсад металлургия саноати ва бутун халқ хўжалигининг ана шу ғоят қимматли хом ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлашдан иборат.

Вазирлар маҳкамаси иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматларида, халқ депутатлари Советларига ва уларнинг ижроия идораларига, саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, муассасаларининг раҳбарларига, уларнинг меҳнат жамоаларига, фирқалар ва жамоат ҳаракатларига, барча фуқароларга мурожаат қилиб, ҳамма жойда қора ва рангли металлар темир-терсагини тўплашни ташкил этишга ғоят зўр ғайрат билан киришишни илтимос қилади. Бу иқтисодиётимизни барқарорлаштиришга ва истеъмол бозорини моллар билан мўл-кўл таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ.

Таҳририятга хат келди

МАКТУБЛАР УСТИДА ЎЙЛАР

Бир ҳафталик хатлар таҳрири. Муҳаррир томонидан берилган бу топшириқ 5—10 йил аввал бўлганда кўпам қийналмасдим. Чунки у пайтларда ҳафтасига 20—30 та хат келарди. Бафуржа ҳаммаси хусусида тўхталиб ёзиш мумкин эди. Ҳозир эса юзлаб хат келади. Илгарилари жўшқин қалблар ҳаяжони, ҳис-туйғуси ифодаланарди уларда. Жумладан, бориўғли олти йил аввал ёзилган таҳрир шундай бошланган экан:

«Ўлкамизда баҳор (ҳозир ҳам). Унинг ажиб тароватидан, саховатидан барча қалблар бахраманд, диллар сармаст. (Баҳорнинг чиройи ўша-ўша. Аммо диллар сармаст эмас. Кўпроқ безовта, хавотирда). Заминга уруғ қадаётган, қадашга тараддуд кўраётган қиз-йигитларнинг қўшиқлари янграйди. Уларнинг қалбида ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида юксак кўрсаткичларга эришиш, мўл ҳосил етиштириш учун иштиёқ, интилиш. (Бугун ҳам ўша иштиёқ, интилиш бор. Аммо кўнгилларининг бир четини қайта қуришнинг адоқсиз ташвишлари, турмуш ва рўзғор қийинчиликлари эгаллаган)».

Қўлимиздаги хатларда бошқа нарса — дадиллик, ошкоралик устун туради. Қайта қуришнинг шарофати бу. Бир пайтлар чўчиб, ҳадик билан айтиб, айтолмаганларимизни бугун бемалол гапирамиз, ёзамиз.

«Биз Огаҳийдек улуғ инсоннинг хизматларини эъзозлаб ҳурматини ўрнига қўя олдикми? — деб куйиниб ёзади ўз хатида Урганч шаҳридаги Огаҳий номли Лицей директори Худоёр Абдуллаев. — Жумҳуриятимизнинг пойтахти Тошкентда ва бошқа вилоятларда унинг номи абадийлашганми? Йўқ».

Нафақат Огаҳий балки барча оқилу, фозилларни унутаёзгандик. Уларнинг олтиндан қиммат адабий хазиналари сандиғи асрлар давомида очилмай келди. Аксинча халқ йўлидаги саховат ва мурувватларини яшириб келдик. Урнига ёмонлик тамғалари босилганди. Ҳар нарсанинг бир яхши, бир ёмон томони бўлади деганларидек қайта қуриш туфайли уларни ёд этдик. Хат муаллифи қуйидаги таклифларни ўртага қўяди: «Тошкент шаҳрининг шоирлар ҳиёбонида Огаҳийнинг ҳам ҳайкали ўрнатилса пойтахтда номига кўча, мактаб аталса...»

Бу яхши албатта, Бобокалонларимиз руҳи шод бўлади. Аммо бошқа нарса кишини хавотирга солади. Одамлар ўртасидаги қадр-қиммат, меҳр-оқибат йўқолиб бораётгани. Биз орамиздаги иқтидор эгаларининг кўнглини ҳам шод этишимиз лозим. Яқинда таниқли бир шоирнинг «шунча йил яшаб, ижод қилиб бирон кишидан саммият кўрган эмасман» деганини эшитиб куйиниб кетдим. Унга юз фоиз қўшилмасамда бу қадар меҳрга ташналигини ўйламагандим. Меҳрга ташналар бугун кўпайиб бораяпти. Яна ҳаловат ва осойишталикка, хотиржамликка ташналигимиз ортаяпти. Ноқобил фарзанди йўлига кўзини тиккан она, етимларнинг кемтик қалби, оқшом ғира-ширасида ишдан уйига қайтаётган аёл чеҳрасидаги қўрқув, ҳадик аломатлари қийнайди кишини. Бехтиёр хатлардан эзгулик ахтараман.

Бу йил бобокалонимиз Навоий руҳини шод этдик. Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида унга бағишланган тадбирлар ўтказиляпти. Сурхон вилоятининг Денов ноҳиясидаги 17-мактабда буюк сиймога атаб фанларнинг ҳафталиги ўтказилди. Ўғилой Бўтаева бизга йўллаган мактубида бундай кеча ва адбий тадбирлар йил давомида бўлишини таъкидлаган. Қўлимиздаги шу мавзуда ёзилган бир даста хатлардан ўтмишга, тарихга ҳурматни туйиб севинасан киши.

Марғилондаги адабиёт ва санъат музейида Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма хоналари ташкил этилаётгани ҳам ҳурмат ифодасидир. Бу ҳақда Охунбобоев ноҳиясида яшовчи Турсунали Тешабоев ёзиб юборган. Қайта қуриш, ошкораликнинг илиқ шамоли туфайли миллий анъаналар ҳам тикланди. Ҳадемай «Наврўз»имиз келади. Ҳозирданоқ тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Жойларда буғдойни ундириб ҳам қўйишди. Байрам программалари ёзилди. Қува ноҳиясидаги 37-ўрта мактабда «Алла» беллашуви ўтказилди. Тўғрида, бир пайтлар қулоғимиз алладан очилган бўлса-ю ўзимиз айтолмасак. Бу қандай кўргулик деғим келади. Бундай хатолар такрорланмаслиги учун нима қилиш лозим. Яна бир карра инсоний фазилатларимизни, меҳр-муҳаббат, қадр-қимматни ошириш зарур.

Хатларни ўқиб ўтирган эдим. Хонага келган мухбирлар қўлимга шеър тутқаза туриб:

— Ҳар ҳолда ёмон шеърлар эмас, кўрарсиз. Аслини олганда бугун яхши шеър, зўр асарнинг ўзи ёзилаётгани йўқку? — деди.

— Нега? Нимани назарда тутаяпсиз?

— Тўғрида, шеър фаровонлик, хотиржамлик, эзгулик маҳсули. Умуман ижод учун бу ҳолатлар зарур. Юракдаги дардни ифодалаш учун хотиржамлик керак. Ҳозир эса одамлар уйида кўрқиб яшайдиган замон. Кўча-куйда қийимини ечиб, ўлдириб кетиш ҳоллари бот-бот учраяпти. Инсон қадри йўқолди. Фаровонлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бунинг учун магазинларнинг бўм-бўш пештахталарини кўз олдингизга келтиринг. Ҳамма асабий. Улардан эзгулик, яхшилик кутиб бўладими, йўқ.

— Ҳатто депутатларимиздан ҳам, — шериги гапини давом эттирди. — Не-не ниятлар билан сайлагандик. Сайлов кунлари роса ваъда беришди. Депутат шокру-азувчиларимиз ҳам. Улардан бири ёлғиз бошига 3 хонали уй олибди. Кеча уйига жиҳоз ташидик. Депутатлик ваколатларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишяпти. Айтингчи, нима ўзгарди адабиётда? Хуллас бугуннинг Навоий, Бобури бўлмайди, бўлолмайди.

Уларга қарашларимни айтдим. Қалам аҳли меҳнатини игна билан қудуқ қазишга менгзадим. Уша дақиқа шундай дейишга мажбур эдим. Аслида гапларида жон борлигига шубҳа йўқ эди. Одамнинг ҳақиқий фазилатини касби, мансаби эмас, тутган йўли, фидойилиги, ўзгалар учун куюнчаклиги белгилайди. Шунинг учунмикан кўз олдимда кейинги пайтда оиласидан, бола-чақасидан ажраган қалам аҳллари тизилишди. Улар кўпчилик экан. Шеър ва ҳикояларида садоқатни алқаб, етимларга хайрихоҳлик билдиришади улар. Узлари сув тошқинининг бошида эканликларини эсдан чиқаришади. Шундай бўлса-да, кейинги пайтда уларнинг ошиғи олчи. «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма» деганн шу бўлса керак. Беихтиёр ёшлик қалбимнинг тўрида нуроний чеҳралари, алп қоматлари, қадамида ёғилиб турган меҳр-саховатлари муҳрланиб қолган Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Санда Зуннунова каби алломаларни эслайман. 60-йиллар анна шундай садоқатда султон, меҳрда меҳроблар даврасида бўлганимдан суюнаман.

Давр ўзгариш қонуний, табиий ҳол. Лекин одамларнинг бу қадар ўзгаришини аввал тасаввур қилмаган эканман. Бир дам тўхтаб атрофга разм солинг. Нималар бўляпти. Қўлимиздаги хатларда ҳам шу кайфият. Деновлик Нормамат Жумаев шеърият қонунларини билмасада қизларни эзгуликка, қайноналар билан мулойим муносабатда бўлишга, йигитларни ҳурмат қилишга ундовчи сатрлари тўлқинлантиради, кишини. Бағдодлик Шавкат Абдуллаев эса шеърини «Дард» деб номлабди. Унда бевафолик хусусида гап боради. Аксарият шеърлр шу зайл ёзилган. Ўқийману бояги мухбирнинг гапини эслайман: «Бугуннинг, Навоий, Бобури бўлмайди». Шоирлар мени маъзур тутсинлару, қўшиб қўяман: Миртемир, Санда Зуннуноваси ҳам бўлмайди. Асар борасида эмас, ҳақиқий инсон, меҳрибон устоз маъносини назарда тутяпман. Улардек фидойиларни орамизда ахтараман. Афсус тополмайман. Нега? Ҳаёт залворн оғирлашиб боряпти. Ширинидан аччиғи кўпайяпти. Лоқайдлик қалбларимизни тобора кенгроқ эгаллаб, қулоч ёймоқда. Буларни йўқотиш йўлларини, усулларини ўзгалардан кутиб ўтирмасдан келинг ҳаммамиз биргаликда эртанги кунни ўйлайлик. Унга умид билан қарайлик. Зеро, адабиёт ва санъат асарларимизда умид ва ишонч уруғларини сочайлик.

Муқаддас СОЛИҲ қизи,
«Ёш ленинчи» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси, ижодкор ёшлар бўлими мудири.

Сиз референдумга қандай қарайсиз?

Мен референдум ҳақида нима дейишим мумкин? Аввало, бу биз учун катта имконият. Лекин мана шу имкониятдан халқимиз манфаати учун фойдаланишга йўл берилармикин? Ҳозир жуда кўпчилик ана шундай шубҳа, гумон билан яшаяпти. Чунки бизни кўп лақиллатишди, кўп алдашди. Оқибатда, ҳеч нимага ишонмайдиган бўлиб қолдик.

Узоқ йиллардан буён тиббий муассасада хизмат қиламан. Иттифоқ таркибида туриб, марказдан олаётган ёрдам ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бундан мамнун эмасман. Сабаби: марказ энг замонавий техникаларни ўзига олиб қолиб, мукаммал бўлмаганларини бизга жўнатмоқда. Бу жумҳуриятимиз учун ниҳоятда қимматга тушмоқда. Ундан кўра, тиббий техникаларни тўғридан-тўғри чет элдан сотиб олсак, арзонроқ тушмайдими? Бунинг учун эса аввалambor, чинакамига суверен, мустақил бўлишимиз лозим. «Ҳа» ва «йўқ»нинг қайсиси маъқул? Сиз нима дейсиз? Мен ҳар бир овоз берувчи ушбу саволга жавоб беришдан олдин нафақат ўзининг, шунингдек фарзандларининг келажаги тўғрисида ҳам чуқур ўйлаб кўришини истардим.

Мавжуда ҒАФУРОВА,
ҳамшира.

Қайсиси маъқул?

Саодат Тожимуродова Тошкент тўқимачилик комбинати ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида, аниқроғи, корхонанинг 4-йигирув-тўқув фабрикасида меҳнат қилади. Саодат ва у ишлаётган фабрикадан суратқаш мухбир Ҳ. СОЛИҲОВнинг келтирган маълумотига қараганда, 1990 йилги режалар бажарилган. Аммо...

Кеча эрталаб пойтахтимиз марказидаги энг катта дўконлардан бирида бўлган мухбиримиз метри 95 тийин турадиган бўз матосидан ҳар бир харидорга атиги 6 метрдан сотилаётганининг гувоҳи бўлди. Навбатга турганларни ҳисобга олишнинг эса иложи бўлмади. Улар сон-саноқсиз эдилар.

...Саодатлар эса ишлаяптилар. Бутун тўқимачилар ҳам. Улар фақат меҳнатни биладилар.

Шу сонга хабар

Ғалаба муборак!

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов тошкентлик спортчи Василиса Семенчук ва унинг устози Дмитрий Кавуновни фристайл бўйича жаҳон чемпионатида қозонилган ғалаба билан самимий қутлади. Лейк-Плэсид қор трассасида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия илмгоҳининг битирувчиси чанги акробатикасида қозонган ғалабаси учун олтин медаль билан тақдирланди. Бу — совет спортчилари мамлакатимиз учун янги шу спорт тури бўйича ҳозирга қадар олган энг юксак мукофот бўлди.

Бу мусобақада жумҳуриятимиз вакиллари сифатида қатнашган чемпионат иштирокчилари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида қабул қилинди.

Жаҳон чемпиони ва унинг устози совет спортчиларининг фристайл бўйича шундай катта мусобақаларидаги дастлабки чиқишларидан олган таассуротларини ўртоқлашдилар, курашнинг қандай борганлиги тўғрисида гапириб бердилар. Суҳбатда жумҳуриятда фристайлни ривожлантириш муаммолари — уни оммалаштириш, базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш хусусида гаплашилди. Спортнинг бу гўзал ва қизиқарли тури Ўзбекистон шароитида кенг тарқалиши ва янги ютуқлар қўлга киритилиши мумкинлиги таъкидланди.

Қутлаймиз!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувн котибиятининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1989—1990 йилларда яратилган энг яхши асарлар уюшманинг йиллик мукофоти билан тақдирланди. Мукофотлар «Қувонч» шеърий тўплами учун болалар адиби Султон ЖАББОР, «Сандуоч» китоби учун Тилак ЖУРА, «Афсунгарлар туҳфаси» учун таниқли адиб ва таржимон Ваҳоб РЎЗИМАТОВ, «Эгилган бош» романи учун Омон МУХТОР, «Мушкул савдо» пьесаси учун Машраб БОБОЕВ, «Занжирбанд шеър қошида» китоби учун олим Иброҳим ҲАҚҚУЛОВларга берилди.

Котибият йиғилишида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Тоҳир Малик Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгашининг қарорига биноан Навоий номидаги Давлат мукофоти қўмитасига масъул котиб этиб тайинланганлиги муносабати билан Абдусанд КУЧИМОВ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиби қилиб тайинланди ва навбатдаги пленум тасдиғига ҳавола этилди.

Мамадали Маҳмудов Ўзбекистон маданият фонди ранси этиб сайланганлиги муносабати билан Мирпўлат МИРЗАЕВ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг ташкилий ишлар бўйича котиби этиб тайинланди.

Биз Ёзувчилар уюшмасининг муносиб мукофотига сазовор бўлганларни ва юксак лавозимга тайинланган ёш, талантли адибларимизни чин дилдан муборакбод этамиз.

Минг марта эшитгандан кўра...

«Хадра»га бориб, «Ҳусан газетчи»ни сўрасангиз, ҳамма танийди. Ҳар куни саҳар-мардондан мўъжазгина дўкончаси олдида одамлар гавжум. Албатта қайси бир рўзнома ё ойномада яхшироқ мақола босилса, кўпчилик кўрсин, деб дўкони пештоқига илиб қўяди. «Аргументи и факти», «Московские новости», «Ёш ленинчи», «Комсомолка», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»... Кеча қарасак «Спорт»...

Ҳусан аканинг ҳам чеҳраси ёруғ, кулиб: «Зўр чиқаришибди бугунги сонни азаматлар», деб суюниб, «Спорт»ни варақлаб турган экан. «Бир кўнглимиз яйраб ўқийдиган бўлдик-да...»

Албатта «Спорт» ҳалиям кўпчиликка етиб боролгани йўқ. Ўрис тилидан ўгирилиб чиққан пайтларда ўксиниб юрардик: «Қачон ўзбекчасини ўқирканмиз», деб. Мана, янги йилдан бери ҳам номи, ҳам услуби, тили, йўналиши соф она тилимизда чиқа бошлади. Ўтган икки ой орасида унинг саҳифаларида қизиқ-қизиқ мақолаларни ўқидик. 5-март сони ҳақида эса алоҳида гапирса бўлар. Чунки, мамлакат футбол чемпионати олий лигасида қатнашаётган жумҳуриятимизнинг бош командаси «Пахтакор»га бағишлаб махсус тайёрланган 8 саҳифали бу сон одатдагиларидан бутунлай фарқ қилади. Ундан пахтакорчилар жамоаси вакилларининг суратлари, қизиқарли лаҳзалар, жонкуяр тренер Ф. Новиков билан мулоқот, 3-тайм таассуротлари, мухлислар ён дафтарига қайдлар, савол-жавоблар, «Оганесян «Пахтакор»дан кетармиш...» деб номланган ўқимишли мақолалар ўрин олган...

Қўйинг, кўпам мақтайвермайлик. Яхшиси, минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрганга не етсин. Унинг нархи обуначилар учун 12 тийин, сотувда эса 40 тийин.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

● **ЎЗБЕКИСТОН ССР Президенти И. А. Каримов яқинда Ленин ордени-нга мушарраф бўлган таниқли адибимиз Саид Аҳмаднн, «СССР халқ ўқитувчиси» юксак унвонига сазовор бўлган жумҳуриятимизнинг таниқли муаллимлари:**

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ноҳиясидаги И. Мўминов номли 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Усмонжон Обидов билан Тошкент шаҳридаги М. Уйғур номли 22-ўрта мактаб директори Ҳаким Ҳошимовларни қутлуғ мукофотлар билан муборакбод этди.

● **ТОЖИКИСТОН Компартияси Марказий Қўмитаси бюросининг қарорига биноан жумҳурият Компартияси тарихи олий илмгоҳи тугатилди. Ҳозирги кунда унинг ўрнида снёсий тадқиқот олий илмгоҳи ташкил этиш мўлжалланмоқда.**

● **ТОМСКДА 1 мартдан бошлаб шаҳар жамоатчилиги транспорти хизмати учун йўловчиларнинг тўлов чиптаси анча қимматлашди. Эндиликда аҳоли троллейбус учун 10 тийин, автобусга 15 тийин, тез юрар автобусга эса 30 тийин тўлайдилар. Белгиланган маршрут бўйича юрувчи таксиларнинг йўл ҳақи эса 50 тийин бўлди. Чиптасиз йўловчиларга солинадиган жарима ҳам ошди. Улардан энди 10 сўм қуртдек санаб олинади. Улуғ Ватан урушн қатнашчиларига, фахрийларга, талаба ва ўқувчиларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинди.**

● **ЎЗБЕКИСТОН хотин-қизлар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум жумҳурият хотин-қизлари жамоатчилигининг хотин-қизлар кенгашини Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига айлантириш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири бўлиб ишлаётган Ҳ. У. Худойбердиева Қўмита раиси этиб сайланди.**

Биласизми?

«Умумхалқ овоз бериш (СССР референдуми) тўғрисидаги Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Қонунидан.

2-модда. СССР референдумини ўтказиш қоидалари

СССР референдуми қуйидаги қоидалар асосида ўтказилади:

референдумда қатнашиш эркиндир;

овоз бериш ихтиёрий ва яширин бўлиб, умумий тенг ва тўғри сайлов ҳуқуқи асосида амалга оширилади;

СССР фуқаролари овоз беришда бевосита ва шахсан ўз иштирокмат жойларида қатнашадилар;

Референдумнинг ҳар бир қатнашчиси битта овозга эга.

Референдумни ўтказиш вақтида, шу жумладан овозларни ҳисоблашда ошкоралик, жамоатчиликнинг иштироки таъминланади.

3-модда. СССР референдумида қатнашиш ҳуқуқи

СССР референдумида 18 ёшга етган ва СССР Иттифоқи қонунларига биноан овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган СССР фуқаролари қатнашадилар.

СССР фуқароларининг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки бевосита чеклашга йўл қўйилмайди ва у қонун билан жазоланади.

Шу сонга хабар

Президент фармони қандай бажарилмоқда?

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

Ўзбекистон Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» чиқарган фармонида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш қай аҳволда! Шу фармонга биноан, армияга чақирилувчиларнинг сиҳат-саломатлиги масалалари билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини вазифаси жорий этилган эди. Бу масъулиятли вазифага ўз фаолиятини оддий врачликдан бошлаган, Қўқон шаҳар ва Андижон вилоятлари соғлиқни сақлаш бўлимларининг мудири бўлиб ишлаган, заҳирадаги тиббий хизмат майори, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ депутати Баҳодир Йўлдошев тайинланганди. У киши билан Президент фармонининг қай даражада амалга оширилаётгани ва бу йўлда учраётган муаммолар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Баҳодир Усмонович, ҳар бир хайрли ишнинг бошланиши анча қийин кечиши табиий. Биринчи галдаги вазифаларингиз асосан нималардан иборат?

— Дастлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида тиббий комиссияларга амалий ёрдам берувчи ва уларнинг ишларини бошқариб борадиган бошқарма туздик.

Аввалари баҳор ва куз бошланиши билан шифокорлар ойлаб ҳарбий комиссариатларда бўлишлари туфайли беморлар мутахассисларга учрай олмай сарсон эди. Энди эса жумҳуриятимиздаги барча ҳарбий комиссариатлар қошида мунтазам ишловчи тиббий комиссиялар штатлари ишлаб чиқилди. Бу соҳада 2039 врач ва 1,5 минг ҳамшира хизмат қилиши белгиланди. Ҳозирги кунда бу ўринларга юқори малакали, соф виждонли, масъулият ва жавобгарликни ҳис қила оладиган кишиларни танлаш ҳамда уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишлари бошлаб юборилди.

Шуни алоҳида қайд қилиш ўринлики, тиббий комиссияларнинг асосий вазифалари армияга соғлом-бақувват, ҳарбий хизматга яроқли йигитларни саралашдан иборат бўлибгина қолмай, балки мактаб ёшидан бошлаб болаларнинг соғлиғини чинакамига муҳофаза қилиш ва улар ўртасида комплекс соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишдир.

Шу пайтга қадар йигитларни ҳарбий хизматга олиш, бирон касаллик туфайли чақириқ муддатини чўзиш ёки умуман ҳарбий хизматдан озод қилиш борасида СССР Мудофаа вазирлигининг 260-буйруғига амал қилинар эди. Жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлигида бошқармамиз шаклланиши биланоқ 260-буйруққа қўшимча касалликлар рўйхатини ишлаб чиқдик.

— Ана шу буйруқ ва касалликлар рўйхати ҳақида батафсил маълумот берсангиз?

— Аввало шўро армиясига касалманд, ногирон аскарлар эмас, балки тўрт мучаси соғ бўлган, бақувват йигитлар олиниши керак. Армиянинг қудрати ҳам аскарларнинг соғлигига боғлиқдир. Бир қатор касалликлар туфайли СССР Мудофаа вазирлигининг 260-буйруғига биноан бўлғуси аскарларни хизматга чақириш муддати фақат 6 ойга узайтирилар эди. Масалан, сариқ касаллигига чалинган йигитни чақириқ муддати 6 ойга узайтириларди. Бу ҳам майли, бир кўзи кўрмайдиганлар, оёғи қийшиқ ўсганлар ҳам жанговар бўлмаган хизматга олинаверган.

Ваҳоланки, Мудофаа вазирлигининг юқоридаги буйруғи турлича шароит ва касалликлар тўғрисида атрофлича ўйламасдан тузилганлиги сир эмас. Ота-оналардан тушаётган шикоятларнинг мазмунига эътибор берсангиз, уларда «болам касал бўлса ҳам армияга олинди», «касаллиги туфайли армиядан қайтарилиб юборилди» — деган норозиликлар. билдирилмоқда.

Шунинг учун биз жумҳуриятимиздаги шароит ва ёшларнинг саломатликлари тўғрисидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда СССР Мудофаа Вазирлигининг бу буйруғига қўшимча касалликлар рўйхатини ишлаб чиқдик. Жумҳуриятимиз раҳбарлари жуда катта жавобгарликни ўз зиммаларига олиб биз ишлаб чиққан касалликлар рўйхатини тасдиқлаб берганларидан кейин Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг 412-сонли фармойиши чиқди.

Шунга биноан кўзи яхши кўрмайдиган, қулоғи касаллар, қорин бўшлиғида жарроҳлик операцияси қилинган (кўричак бундан мустасно)-лар, оёғи қийшиқ ёки 5 см калталар армия хизматидан озод қилинди. Фармойиш кучга киргач, ўтган кузги чақириқдаёқ минглаб бола армия хизматидан озод қилинди.

— Бундай фармойишнинг қабул қилиниши бир томондан қувончли, бир томондан эса шунча ёшларимизнинг касаллиги фожиа ҳамдир. Хабарингиз бор, шу пайтгача қанчалаб йигитларимиз саломатлиги тўғри келмаса-да, армияга олинаверган. Ҳарбий комиссариатлар олдида «режа-наряд» деган нарса бор. Уни бажармаганлар жазоланиб қолиши ҳеч гап эмасди. Янги иш бошлаган кезларингиз касал болани армиядан қолдирганингиз учун комиссарнат ўзингизни ҳам армияга жўнатиб юборган экан. Шу ростми?

Энди навбатдаги чақирувларда ана шундай хатоликлар такрорланмаслигига ишонсак бўладими?

— Ҳақиқат олдида кўз юмолмаймиз. Жумҳуриятимиздан хизматга чақирилганларни 0,2—0,3 фоизи турли касалликлар туфайли армия хизматидан қайтарилиб юборилаётгани рост. Уларнинг хасталиклари аниқланиб қайтгунларича чеккан азобларини айтиб ўтирмай. Энг ачинарлиси, у ёққа боргач, зобитларни «касалман» деб ишонтириш осонмас. «Бўлмаса нега бу ёққа келдинг, комиссияларнинг кўзи йўқмиди?» — деган, тана-дашномларни айтмай қўяқолай. Бундай «янгилишишлар»нинг асл сабаби, ҳарбий комиссариатларнинг юқоридан келган режа-нарядни қандай қилиб бўлса ҳам бажаришлари эди. Тиббий комиссияларда иштирок этадиган врачлар ҳарбий комиссариатнинг топшириғини бажармасалар, ҳақиқатан жазоланиб қолишлари сир эмасди.

Олий билимгоҳни энди битирган пайтларим. Фарғона вилояти, Киров ноҳия бирлашган касалхонасида ишлардим. Комиссияда иштирок этиш учун мени ҳам ҳарбий комиссариатга юборишди. Шунда катта лейтенант, бўлим бошлиғи қабулимга бир болани олиб кирди. «Дўхтир, бу бола касалман деб армиядан қочиб, илмгоҳда ўқиб юрибди. Текшириб кўрдик, соппа-соғ, армияга жўнатиш керак» деб қолди. Текширсам, болада афсуски оғир даражадаги юрак касаллиги бор. Кейин виждонимга қарши боролмадим. «Ҳарбий хизматга ярамайди» деб ёзиб бердим. Шундан сўнг ҳалиги лейтенант «сени бош врачингга айтиб жазолатаман ёки ўзингни армияга жўнаттираман» деди. Ҳатто ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Бир томондан яхши бўлган экан. Ҳарбий врач бўлиб армияда хизмат қилганимда у ердаги шарт-шароитларни ҳар томонлама тушуниб етдим.

Ҳозирги пайтда ҳарбий комиссариатларда ҳам ўзгаришлар рўй бераяпти. Шу ўтган кузги чақириқдан бошлаб ёшларни армияга чақириш, комиссия қилиш, хизматга жўнатишда ижроқўмлар анча ёрдам беришди.

Энди яна бир масала, бордию касал бола хизматга кетиб, қайтарилса, унинг бориб келиши учун кетган харажатлар айбдор врач ҳисобидан ундириб олинади.

— Кўпгина марказий матбуот нашрларида Ўзбекистондан чақирилган ёшлар, нимжон ҳарбий хизматга яроқсиз, деган таъналарни ўқияпмиз. Бунда маълум ҳақиқат бор. Чунки овқатланиш сифатининг пастлиги, об-ҳавонинг кескин бузилиши, турмушимизнинг ночорлиги ҳам бўлғуси аскарлар саломатлигига путур етказди.

— Жумҳуриятимиз ёшларининг саломатлиги тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳақиқатан ташвиш уйғотмоқда. Бугунги кунда мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган ўқувчиларнинг асаб-руҳий ҳолатларида салбий ўзгаришлар, умуртқа поғонасининг қийшиқ ривожланиши, яхши кўрмаслик, жисмоний ўсишда ўртача кўрсаткичдан орқада қолишлар кўп кузатилмоқда. Яқинда делегация ташкил қилиб Рига шаҳри ва унинг атрофида жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ҳамюртларимиздан хабар олиб қайтдик. Шунда ҳарбий қисмлар командирлари билан суҳбатлашганимизда Россия, Украина, Болтиқбўйи жумҳуриятларидан чақирилган ёшларга нисбатан Ўзбекистонликлардан 90 фоизининг вазни ўртача кўрсаткичлардан камлиги маълум бўлди. Хулоса қилиб айтганда, энди ўсмирларнинг саломатлигини фақат армия хизматига чақириш пайтидагина эмас, балки ёшлигидан яъни мактаб партасиданоқ мунтазам назоратга олинишини тақозо этади. Шу мақсадда ўсмирлар учун поликлиникалар очиш, алоҳида диспансерлар ва шифохоналар ташкил этиш устида тайёргарликлар кўраяпмиз. Бундан кўзда тутилётган мақсад шуки, 17 ёшга етганда йигитларнинг энг соғломлари ва бақувватларигина чақирув комиссияларига борсинлар. Лекин поликлиника, шифохоналар очган билан болаларимиз бақувват, соғлом бўлиб қолади деб ўйлаш ҳам ўринли эмас. Уларни ёшлигидан тўғри тарбиялаб, сифатли овқатлантириб, чиниқтириб боришимиз шарт.

Модомики, шундай экан бу масалаларда барчамиз қатъий ҳаракат қилишимиз керак. Токи, келажагимиз эгалари жисмонан соғлом, бақувват ўсинлар...

Суҳбатни жумҳурият Саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими Абдумажид ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

Нуқтаи назар

Маориф муаммолари мисоли карвон

Фарзандлари соғлом ва билимли бўлган миллат ҳеч қачон завол топмаган. Ҳар бир жамият илм-фан тараққиётининг бош сабаби охир-оқибатда маорифга бориб тақалади. Муаммоларимиз эса талайгина. Йўқ, мен бу ерда авария ҳолатидаги мингдан ортиқ мактабларни кўзда тутаётганим йўқ. Авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янгисини қуриш ёки уларни буткул таъмирлаш ҳақида ҳукумат қарори бор. Бу қарорнинг ўз муддатида амалга оширилиши учун ҳар 3 кунда 2 та янги мактаб биноси қуришга тўғри келади.

Йўқ, бугун мен бошқа муаммолардан баҳс очмоқчиман. Келинг, уларни бирга ҳал қилиш йўлларини излайлик. Фикрлашайлик. Ўз муаммоларимизни ўзимиздан яхши биладиган киши йўқ. Шу боис уларни фақат ўзимизгина тез ва соз ҳал қила оламиз. Зеро, «бошингга қор ёғса, ўзинг курайсан».

СССР Халқ таълими Давлат қўмитасининг 1989 йил 22 сентябрь 751-сон буйруғи билан ўрта умумтаълим мактабларининг базис (асосий) давлат режаси тасдиқланган. Буйруқда жумҳуриятлар ва мактаблар шу режа асосида ўз ўқув режаларини тузишлари ва уни қадам-бақадам амалга ошира боришлари ҳам кўзда тутилган. Янги режанинг принципиал жиҳати шуки, унда таълим мазмунининг учта асосий қисми (ташкил қилувчиси — компонентаси) ажратилиб берилади. Улар иттифоқ — жумҳурият, жумҳурият, мактаб. Режага кўра, ўқув вақтининг 41 фоизи иттифоқ — жумҳурият, 41,9 фоизи жумҳурият, қолгани мактаб ташкил қилувчисига ажратилади.

Мактаб компонентаси бевосита мазкур даргоҳнинг ўзигагина таааллуқли бўлиб, ажратилган соатларда қайси синфда нималар ўтилишини мактаб педагогик кенгашигина аниқлаб беради. Ҳар бир мактаб бу соатларни ўз хоҳишига қараб ишлатади. Иттифоқ — жумҳурият компонентасини Халқ таълими Давлат қўмитаси жумҳурият вазирлиги билан биргаликда аниқлаб беради. Масалан, риёзиёт, физика, кимё предметлари иттифоқ-жумҳурият компонентасини ташкил қилиши мумкин.

Жумҳурият компонентасини жумҳурият вазирлиги вилоят, мухтор жумҳурият халқ таълими органлари билан биргаликда аниқлайди. Масалан, бу қисмга она тили ва адабиёт, тарих, мусиқа, тасвирий санъат, жуғрофия, чет тиллари, оила этикаси ва психологияси ва ҳ. к. предметлар киритилиши мумкин.

Бу предметлар учун ўқув соатларини тақсимлаш, уларни дастур ва ўқув-методик адабиёт билан таъминлаш, ҳар бир жумҳуриятнинг ўз ишидир, аммо бу борада бизлар ҳали сезиларли иш қилмадик.

Давлатнинг асосий режаси маорифимизга жуда катта масъулият юклайди ва шу билан бирга жуда катта имкониятлар ҳам очади. Ҳақиқатан ҳам, эндиликда юқоридаги предметлар бўйича дарсликларни, ўқув қўлланмаларини ўз муаллифларимиз яратишлари мумкин.

Маориф ҳар бир халқ маданиятининг ажралмас қисмидир. Жумҳурият Халқ таълими вазири Комилжон Юсупов оммавий ахборот воситаларида миллий мактаб зарурлигини бир неча бор таъкидлади. Бу олижаноб таклиф. Миллий мактаб — ўз қобиғига ўралиб қолиш, деган гап эмас, асло! Аксинча, дарсликларда, ўқитиш жараёнида миллий руҳ, миллий маданият, умуминсоний қадриятлар билан, жаҳон маданияти жавоҳирлари билан оқилона уйғунлашиши лозим. Давлат ўқув режасининг жумҳурият ва мактаб қисми миллий мактаб яратилишига ниҳоятда кенг имконият очади. Дарсликларимиздан фарзандларимиз яшаётган диёр нафаси уфуриб турсин! Афсуски, ўқув қўлланмаларида бу ҳолни кўрмаймиз.

Буюк бобокалонимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди. Зеро «алгебра» сўзининг ўзи унинг рисоласи номидан вужудга келди. Кибернетиканинг асосий тушунчаси бўлмиш алгоритм олимнинг номи билан боғлиқ. Мактабларимизда ўтиладиган квадрат тенглама илдизларини топиш формулалари аслида ал-Хоразмий формулаларидир. Ал-Хоразмий рисолаларидаги мисол ва масалалар асрлар давомида Оврупода риёзиёт дарсликларидан тушмай келди, алломанинг рисолалари Оврупо тилларига таржима қилиниб, ўнлаб марта чоп этилди. Аммо «Алгебра» дарсликларимизда бу ҳақда лом-мим дейилмайди, диёримиз фарзандларининг жаҳон маданиятига қўшган дурдоналари четлаб ўтилади.

Худди шундай ҳол «Астрономия» дарслигига ҳам тааллуқли. Болаларимиз Воронцов — Веньяминовнинг «Астрономия» китоби бўйича таълим оладилар. Бу яхши дарслик, ўнлаб марта нашр этилган. Аммо осмон илми сарчашмаларида турган, унинг бешигини тебратган ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Улуғбек, Али Қушчи каби улуғ олимларимиз ҳақида китобда бир сатр ҳам ёзилмаган. Ваҳоланки, Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия негизлари» асари ўрта аср Оврупоси дорилфунунларида астрономия фанидан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Фарғоний Шарқда «Ҳосиб» — ҳисобчи деб ном чиқарди. Ғарбда у Алфраганус номи билан машҳур бўлди. Унинг номи Данте, Шиллер, Эркин Воҳидов асарларидан жой олди. Эсингизга солай: — Фарғоний чиқарган аниқ ҳисоблар...» Дантенинг «Илоҳий комедия»да дунё тузилиши ҳақидаги маълумотларни унинг рисолаларидан олди. Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний ана шундай аллома эдилар.

XVIII аср Петербург астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари Жозеф-Никола Делил ҳисобланади. Петр I уни Париждан чақиртирган. Петр I нинг ўзи бу илмий мактабнинг тадқиқот дастурини тасдиқлаган. Унда Оврупо астрономлари билан бир қаторда Шарқ олимларининг ҳам асарларини ўрганиш айтилган. Ана шу асарлар рўйхатида Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия негизлари» қўлланмаси ҳам бор эди.

Дунё астрономлари Улуғбек илмий мактабининг натижаларидан кенг фойдаланишди. Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини ўтказиш ҳақида ЮНЕСКО махсус қарор қабул қилди. Ўрта аср рассомлари уни дунёнинг олти буюк астрономлари қаторида Осмон маъбудаси Урания атрофида тасвирлашди, аммо, во дариғ Улуғбек номи, қилган ишлари мактаб «Астрономия» дарслигида ҳамон ўз ифодасини топмади... Агар дарсликларимиз ўз муаллифларимиз томонидан миллий мактабга мўлжаллаб ёзилганда эди, уларда диёримизнинг илм-фан, маданият арбобларининг фаолиятлари, бизнинг мингларча йиллик тарихимиз, маданиятимиз кенгроқ ва чуқурроқ даражада ёритилган бўлур эди...

Иқтидорли болаларни танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда синовдан ўтказиш ҳам маорифимизнинг жиддий муаммоларидан. Бу ишда нафақат психолог, педагоглар, балки турли фан вакилларининг ҳам фаол қатнашишлари жоиз кўринади. Ҳар бир вилоятда иқтидорли болалар учун мактаб-интернатлар қуриш борасида маълум ишлар олиб борилиши лозим. Иқтидорли болалар билан ишлаш, уларни ўқитиш, тарбиялаш, қобилиятларини янада очиш, барқ урдириш янгича ёндашишни, янгича методикани тақозо этади. Мазкур методикани мисқоллардан ярата боришимиз, уни фанимизнинг, халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришимиз керак. Иқтидорли болаларга дарс берувчи муаллимларни билимгоҳларда тайёрлаш муаммоси кун тартибида турибди. Бундай тажриба ҳали бизда деярли йўқ. Иқтидорли болаларга дарс ўтиш, улар билан шуғулланишнинг илмий психологик асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳам долзарб масала эканлиги сир эмас.

Иқтидорли болалар ҳақидаги барча маълумотлар (уларнинг ёши, сони, вилоятлар ва ноҳиялар бўйича тақсимоти, нималарга иқтидори борлиги — ашула айтиш, расм чизишдан риёзиётгача ҳамма соҳа, қамраб олиниши лозим, оилавий шароити ва ҳ. к.) ЭҲМ хотираларида сақланиб («маълумотлар банки»), бу маълумотларга вақти-вақти билан аниқликлар кирита боришимиз керак. Болани «ҳисобга олиш» вақтидан то камол топгунига қадар ҳаёт тарзи кузатилиб, унга ёрдам бериб бориш, қобилиятини асраш ва авайлаш керакки, зеро иқтидор табиатнинг саховати, мурувватидир.

Яна бир жиддий муаммо — иқтидорли болаларни, тегишли мактабларни ўқув қўлланмалари, илмий-методик адабиётлар билан таъминлашдир. Риёзиёт фани борасида маълум саъйи-ҳаракат бошланди. Масалан, ЎзФА мухбир аъзолари Т. Азларов, А. Саъдуллаевлар бошчилигида муаллифлар гуруҳи тузилдики, бу гуруҳ риёзиёт чуқур ўтиладиган синфлар, мактаблар, мактаб-интернатлар учун «Алгебра» ва «Геометрия»дан ўқув қўлланмалари яратади. Шу билан бирга, умумтаълим мактаблари учун риёзиётдан мавжуд дарсликлардан ташқари, «параллел» дарсликларни таржима қилиш, мос методик кўрсатмаларни тайёрлаш бобида ҳам ишлар қилинмоқда. «Ўқитувчи» нашриётининг бу соҳадаги фаолияти таҳсинга лойиқдир. Нашриёт «Жумҳурият риёзий олимпиадаси масалалари» тўпламини (муаллифлар — Б. Рихсиев, Н. Ғанихўжаев, Т. Қўрғонов, Ҳ. Қосимов), «Ўқувчиларни риёзий олимпиадаларга тайёрлаш» (муаллифлар — М. Мирзаахмедов, Д. Сотиболдиев), риёзиётдан синфдан ташқари ишларга бағишланган «Математик сайёра» (муаллифлар — А. Аъзамов, Б. Ҳайдаров) китобларини чоп этишни режалаштирган. Аммо булар илмий-методик адабиётга бўлган чанқоқликни сира ҳам қондирмайди, иқтидорли болалар билан ишлашни илмий-методик жиҳатдан тўлатўкис таъминлай олмайди. Булар хамир учидан патир, холос. Бизларга физика ва риёзиётдан «Квант» типидаги алоҳида илмий-методик ойнома зарур. Бу масала кўтарилганига ҳам 20 йилдан ошди, турли савиядаги мажлислар қарорига кирди — аммо натижадан — ойномадан дарак йўқ.

Эндиликда мктабларимиз уч тоифада бўлади: физика-математика, химия-биология, ижтимоий-гуманитар шаклидаги мактаблар. Ҳар бир гуруҳ мактаблар учун шу гуруҳ талабига мос дарсликлар бўлиши кўзда тутилади. Айтайлик, физика, риёзиёт шу уч тоифа мактабда уч хил дастур асосида уч хил ҳажмда, уч хил дарслик бўйича ўтилади. Бошқа фанлар ҳам шу каби. Бу борада дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзилиши, бу мактабларда предметларни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилиши лозим...

Ўқувчиларимиз риёзиёт ва физика бўйича ўтказиладиган Иттифоқ олимпиадаларида (беллашувларида) юқори ўринларни ниҳоятда кам эгаллаганлар. Иттифоқ олимпиадасида масалалар, табиийки, рус тилида берилади. Ўзбекистон командасини олиб борган риёзиёт муаллими уни болаларга ўзбекчага ағдариб беради. Мактабларимизда рус тили соатлари етарлича бўлсада, болаларимиз рус тилида эркин гаплаша олмай мактабни тугатяптилар, боз устига, ўзлари қизиққан фанлари, масалан, риёзиёт бўйича рус тилида деярли гаплашолмайдилар, у ердаги атамалар, теоремалар, исботларни рус тилида тушунтиролмай хуноблар.

Модомики, биз ўқувчиларимизни Иттифоқ миқёсига олиб чиқмоқчи эканмиз, масаланинг бу томонига ҳам жиддий эътибор беришимиз керак. Муаллимнинг ўзи, аввало, рус тилини яхши билсин, ўз предметига оид русча адабиётни бемалол ўқиб тушунсин. Фанлар чуқур ўтиладиган илм даргоҳларида, иқтидорли болаларнинг мактаб-интернатларида мазкур фаннинг баъзи мавзуларини рус тилида ўтиш жоиз кўринади.

Илмий-методик китобларнинг айримларини икки тилда — бир бетини ўзбек тилида, бир бетини шу матннинг русча таржимасида чоп этиш лозим. Бу борада тажриба бор, хусусан бадиий адабиётга оид китобчалар ана шундай чоп этиляпти.

Риёзиётдан ўқувчиларнинг Иттифоқ олимпиадаси Тошкентда 1978 йили ўтказилган эди, бу йил физикадан Иттифоқ олимпиадаси Тошкентда бўлади. 1990 йилда риёзиёт бўйича XXIV Иттифоқ олимпиадаси Ашхабодда бўлиб ўтди. Бу олимпиадада АҚШ, Булғория, Греция, Испания вакиллари ҳам қатнашишди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ Туркманистон ёш риёзиётчилари командаси Испанияга, Ленинград командаси АҚШга, Рига шаҳридаги 1-физика-математика мактаб командаси Грецияга, Украина командаси Булғорияга юбориладиган бўлди. Булардан ташқари Иттифоқ олимпиадасининг 6 ғолиби Халқаро олимпиадада ҳам қатнашишади. Вақти келиб — қани энди шу кунлар тезроқ келақолса — бизнинг ёш риёзиётчиларимиз ҳам Иттифоқ олимпиадасида энг юқори ўринларни эгаллаб, бошқа мамлакатларга таклиф қилинсалар. Хўш, у мамлакатларда болаларимиз қайси тилда баҳслашадилар. Табиийки, инглиз тилида. Мактабларимиз учун чиқарилган чет тили дарсликларини варақласангиз ҳавасингиз келади. Во ажаб, болаларимиз бул китобларда ёзилган жами нарсаларни билсалар, хорижлик тенгдошлари билан бемалол тиллаша оладику дейсиз. Аммо, минг афсуски, битирувчиларимиз бу борадаги қобилиятлари билан мақтана олишолмайди. Мактабларимизда чет тилини ўқитиш самарадорлиги, айрим ихтисослашган мактабларни истисно қилганда, жуда паст. Иқтидорли болалар учун очилган ва очиладиган мактабларда чет тилларини ўрганишга ниҳоятда жиддий эътибор беришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Чет элларда яшовчи саховатли ўзбек биродарларимиз, болаларингизни юборинглар, ўқитиб берамиз, деб туришибди. Аммо, болаларимиз тил билса, фандан оқсайди, фанни биладигани «тилдан дудуқ». Иқтидорли болалар учун мактабларда танланган фанларнинг баъзи мавзуларини, тажриба тариқасида, чет тилида ўтиш (мазкур фан муаллими чет тилини билсин! Талаб шу) мақсадга мувофиқдир.

У ёки бу фанни ўрганишга мосланган чет тили дарсликларини яратиш лозим. Тошкент давлат дорилфунунида бу борада маълум ишлар қилинган. Ўқувчилар билан предметлар бўйича тўгарак машғулотларини чет тилида олиб бориш яхши натижалар беради. Кичик-кичик рисолаларни икки тилда — бир бети ўзбекча, бир бети чет тилда, масалан, инглизча — чоп этилиши айни муддао бўлур эди. Хоразмда, бўлиб ўтган «Риёзиёт ва физика»ни табақалаб ўқитиш муаммолари»га бағишланган жумҳурият анжуманида Тошкент билан биродарлашган шаҳарларнинг риёзиёт ва физикадан олимпиадаларини ўтказиш таклифи ўртага ташланди.

Эҳ-ҳе, маорифимизнинг муаммолари битмас-туганмас. Олимларимиз, муаллимларимиз уларни ҳал этишда камарбаста бўлишлари, вазирлик эса жумҳуриятимиздаги илмий-педагогик кучларни битта забардаст муштга йиғиб, уни маорифимиз муаммоларини ҳал этишга йўналтириши лозим.

Мирза АҲМАД,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Сўров тугалланди, аммо...

Латвиянинг мустақиллиги хусусида ўтказилган сўраб билишда жумҳуриятда доимий яшовчи аҳолининг 88,39 фоизи иштирок этди. Бу маълумот Олий Кенгашда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда эълон қилинди. Дастлабки маълумотларга кўра, «Сиз Латвиянинг демократик, мустақил давлат бўлишини истайсизми!», деган саволга сўраб билиш иштирокчиларининг 77,1 фоизи «ҳа» деб жавоб берди.

Бу вақтда (журналистлар билан учрашув ўтган тунда бўлди) аҳоли фикрини сўраб билиш Марказий комиссияси қўлида жумҳурият пойтахтининг олти ноҳиясидан учтаси бўйича маълумотлар йўқ эди.

Оврўпо ва Америкодаги 20 мамлакат парламентининг, шунингдек, Россия, Литва, Эстония ва Озарбайжон Олий Кенгашларининг вакиллари бўлган 120 нафар расмий кузатувчи сўраб билишнинг боришини кузатиб турди, дейилади, ЛЕТА жумҳурият ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

АГРЕГАТ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Қўриқдаги Мирзаахмедов номли давлат хўжалигининг деҳқонлари «Андижанирмаш» заводида ишлаб чиқарилган ПП-4 янги ер текислагичини муносиб баҳоладилар. Агрегат Ленин ноҳиясидаги «Правда Востока» ва Пахтаобод ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжаликларида ҳам синовдан ўтказилди.

Бу ер текислагич ҳозир фойдаланилаётган шундай агрегатлардан анча афзалроқ: у илгаригиларидан икки ярим баравар енгилроқ ва ихчамроқдир.

Дала меҳнаткашларининг истакларини ҳисобга олиб заводда бу агрегатни кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди. Шу йилги дала ишлари бошланиши арафасидаёқ Андижон вилоятининг жамоа ва давлат хўжаликлари далаларида янги ер текислагичлар пайдо бўлади. Шундай агрегатларга жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидан ҳам буюртмалар келмоқда.



Иттифоқ бўйлаб

Икки ўртадаги совуқ муносабат музтоғлари эриб битгач, катта ва хайрли ишларга йўл очилди. Яқинда Москвада америқолик машҳур рассом Жеймс Розенквистнинг кўргазмаси очилиб, унда рассомнинг бебаҳо асарлари намойиш қилинди.

Жеймс Розенквист оддий ҳаёт кўринишларини юксак санъат намунаси даражасига кўтара олган. Унинг ҳар бир асарига назар солар экансиз, беихтиёр ўйга толасиз, ҳаётнинг бугунини, эртасини ўйлайсиз.

Санъат ҳар қандай сиёсатдан юксак туради, — дейди муаллиф. — Бугун санъатим билан янги дўстлар орттирганимдан ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилганимдан хурсандман.

СУРАТДА: Рассомнинг «Гуллар боғида» ва «Ақл кўрсаткич ўртасида» асарлари.

ТАСС сурат лавҳалари.

Иттифоқ бўйлаб

Ушбу суратни таҳририятимизга йўллаган жамоатчи суратқашимиз Т. МАҲКАМОВ унга қуйидаги изоҳни илова қилган: Эргашой Хидирова Фарғона вилояти Киров ноҳиясининг Октябрь инқилоби орденли «Бешариқ» давлат хўжалиги — техникуми «Коммунизм» бўлимида меҳнат қилиб келади. Эргашой ўтган йилги пахта мавсумида зўр ғайрат билан ишлаб, 7 тонна пахта теришга муваффақ бўлди. Бугун Э. Хидирова ва унинг ўнлаб тенгдошлари, бутун жамоа аҳли янги хўжалик йили кўкламига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Саёҳатнома

Италияда Бухорони ўйладим

Аслида хаёлимда ҳам йўқ эди, Италияга бориш. Бир нарсага бир нарса сабаб деганлари рост экан. Италияда халқаро фольклор дастлари фестивали ўтказилишини эшитган жумҳуриятимиз касаба уюшмалари ташкилоти раҳбарлари Ўзбекистондан ҳам вакиллар қатнашса бўлмайдими, деб қолишди. Сўнгра шартномалар тузилди. Омадни қарангки, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Ором» ашула ва рақс халқ дастасига шу нуфузли анжуманга йўлланма беришди. Улар сафида мен ҳам бор эдим. Аввал Тошкентдан Москвага, кейин Римга учдик.

Таассуротларим тайёрадан тушганим заҳот бошланди. Тайёрагоҳ чиннидай топ-тоза, бизникига ўхшаб бақир-чақир, тўс-тўполон қаёқда дейсиз. Делегациямизни Италия халқ урф-одатлари ва анъаналари уюшмаси (қанийди, Ўзбекистонда ҳам шундай савоб ишни амалга оширсак) Президенти сеньор Роберто кутиб олди. Дарҳол тил топишиб кетдик. Мутаржим ҳам кулгани-кулган. У ёғини сўрасангиз 3-4 тагина сўзни биламан. Улар ҳам мени хижолат бўлмасин деб бош силкишади. Роберто ўзи бошқараётган уюшма ҳақида сўзлади. Ҳар бир урф-одат, миллий расм-русумлар кўз қорачўғидек асраб келинар экан. Унинг ўзи темир йўлда малакали машинист бўлиб ишлаши билан бирга уюшма ишларини қойиллатиб йўлга қўйгани мени таажжубга солди. Биз эса битта расмий вазифани қойиллатолмаймизу, уни қаранг. Яна шундай катта халқаро фестивал ўтказиш қанчалик мушкуллигини ўйладим.

Кейин Римдан 60 чақирим олисдаги Ветралли шаҳрига йўл олдик. Бу шаҳарнинг ўзига хос томонини қарангки, бирорта маршрутли автобус кўрмадик. Кўчалар тинчгина. Машиналар шовқин-сурони йўқ. Ҳатто ишонмассиз, бир мартаям машина сигналини эшитмадим. Одамлари самимий. Узундан-узоқ навбатлар йўқ. Дўконларда истаган нарса бор.

Сафаримизнинг учинчи куни жаҳонга машҳур шаҳар Римда бўлдик. Энди қўяверинг, таърифга сўз йўқ. Колизей томошагоҳини кўпчилик эшитган. Бу ерда таниқли гладиаторлар бир вақтлар даҳшатли томошалар кўрсатишган. Қанчаси ғолиб чиқиб, томошага ўч бу халқнинг сўнгсиз олқишларига кўмилган... Тарихий ёдгорликларга ҳайрат ила тикиламан. Хаёлим узоқ-узоқларга кетади. Беихтиёр она юртни, Бухорони ўйлайман...

Италияда динни жуда қадрлайдилар. Ҳар бир шаҳарда ибодатхоналар қурилган. Бу улуғ қадамжолар неча-неча асрлардан бери одамларнинг суянчиғи, сиғинадиган жойига айланган. Лекин бундай табаррук жойларга ҳар ким ҳам киритилавермас экан. Яна бир ажойиб томони, агар аёл киши елкаси очиқ кўйлакда ибодатхонани зиёрат қилмоқчи бўлса, эшикбонлар рухсат бермаскан. Мана улуғ даргоҳларнинг қанчалик қадр-қимматга эгалиги.

Эртаси куни бир ўзбекча палов қилмаймизми деган таклиф тушиб қолди. Лекин масаллиқларни қандай топиш кераклигини ўйлаб қолдик. Чунки бу «Чорсу» ёки «Олой» бозори эмаски, тап-тайёр карт думбаю, девзира гуруч, яхшилаб тўғралган сабзидан тортиб, зираю-шакаробгача бўлса экан, ҳеч иккиланмасдан ошни қойиллатиб ташласак. Йўқ, ҳайрият, ўзимизнинг ошликларимизчалик бўлмаса-да, баҳоли қудрат ул-бул нарса топдик. Қўшиқчи йигитимиз Миразиз билан чилдирмачимиз Шавкат ошни дамлайдиган бўлишди. Мезбонлар бирам қизиқишдики, асти қўяверинг, Қозон тополмадик. Ҳар қалай 15-20 кишига етадиган қозонга ўхшаш идиш топиб беришди. Роберто ҳайрон. «Бу ўзбеклар ошининг довруғини эшитганди-му, қандай тайёрланишини тасаввур ҳам қилолмагандим» дейди қизиқиб. Ниҳоят палов сузилди. Роберто ўз қариндошларини ҳам даврамизга таклиф этганди. Улар ҳам роса мақтаб кетишди. Миллий урф-одатлар ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Ўша куни Ветралли шаҳри кўчаларини ўзбек карнай-сурнайларининг баланд садоси босиб кетди. Одамлар байрам тантаналари нишонлаётгандек шодмон кайфиятда. Миллий рақсларимизни кўриб ҳайратланишади, олқишлашлар, қарсаклар кечгача тинмади. Дастамиз раққоса қизлари ҳамда Миразиз Муҳамедов, Гулсара Раимова ижроларидаги рақслар, қўшиқлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳусанжон Носиров бошчилигидаги доирачи йигитларнинг қизиқарли чиқишлари италияликларда катта таассурот қолдирди.

Ветраллидаги энг катта ўйингоҳда бўлган тантаналарни қандай ёзай. Эҳ, бу халқ шундай ажойиб анъаналарни қандай сақлаб келаётгани мени ўйлатиб қўйганди. Улар шу куни оддийгина Робертони қутлов табрикларга кўмиб ташлашганини кўриб, ўз халқини қадрлаган одамлар Италияда нечоғли иззат-ҳурматга лойиқ кўрилишини юрагимдан ҳис қилдим.

Шу куни ўйингоҳда Робертога ўзбекча дўппи кийгизиб елкасига тўн ёпганимизда беихтиёр унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Барибир қаерда бўлсак ҳам одамзод дилини унинг тили эмас, балки ўзлиги, миллий ўзига хослиги чамбарчас боғлаб турар экан. Делегациямиз билан хайрлашаётганимизда мезбонларнинг киприкларида ёш кўрдим. Қанийди, ҳамма халқлар бир-бирини ана шундай қадрласа, тушунса, суйса...

Тўққиз кун. Бир неча капиталистик мамлакатларда 15-20 кунлаб сафарда бўлганман. Аммо ана шу 9 кунлик ажойиб байрам бир умр эсимда қолди. Фақат.. Фестиваль биз борганимиздан 7 кун кейин бошланди. Тошкентдан Москвага учгунимизча бўлган қанча асаббузарликлар кўнглимизни хира қилди. Франция, Испания давлатларидан келган дўстларимиз фестиваль бошланишига бир кун қолганда етиб келишди. Ортиқча ташвишлар ҳам бўлмади. Қўлларида дастурлар тайёр. Бизга эса Москвада фестиваль ҳақида ҳеч нарса айтишмаганди ҳам.

Яна қарангки, биз учун Бутуниттифоқ касаба уюшмалари бир тийин ҳам ажратмади. Жумҳуриятимиз уюшмасида доллар бўлса экан, Тошкентнинг ўзида ҳисобкитоб қилиш мумкин эди. Ҳали ҳам Робертонинг борлигига минг бора шукр қилдик. Ҳар биримизнинг қўлимизга 20 минг лирдан пул берди. Балки сизга бу пул жуда кўпдек туюлаётгандир ҳам. Асло. Италияда шунча пулга атиги 20 та сақич беришга ишонасизми? Бу пулнинг қадри йўқлигидан эмас. Агар ҳар куни эрталаб уйдан чиқиб кетсангиз, кечқурун ишдан қайтганингизда болаларингиз қўлингизга қарайди. «Дадам бирор нарса олиб келмадимикин?» деб. Италия кичкинароқ давлат бўлсайди, бу бошқа гап...

Майли, ҳаммаси ўз йўлига. Муҳими, Италия мен учун ҳам, дўстларим учун ҳам очилмаган сир эди. Ўз кўзинг билан кўрганга не етсин. Агар биз ҳам Италия халқидек яшашни, ишлашни, ота-боболаримиз яратиб кетган буюк анъаналарни қандай асраб-авайлашни билганимизда эди, ҳамманинг қандай ҳавас қилишини кўрардик.

«ИЛ-86» аэробуси Москвага келиб қўнди. Ҳамон Италия таассуротларидан ҳаяжондаман. Аммо тезроқ Тошкентга етиб олсам дейман. Бухорони, Самарқандни ўйлайман...

Соат ШАРИПОВ.

XX АСР КУНДАЛИГИ

Қувайт ва Ироққа ёрдам

БМТ қароргоҳида якшанба куни кечқурун бирлашган миллатлар ташкилоти ҳавфсизлик кенгашининг қисқа мажлиси бўлди. Мажлисда Қувайт билан Ироққа инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласи юзасидан кенгаш раиси Петер Хоенфелльнер (Австрия) баёнот берди.

Кенгаш БМТ 1990 йилда қабул қилган 661-резолюция асосида ташкил этилган қўмита бугунги кунда қабул қилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий эҳтиёжларга тааллуқли қарорларни, шу жумладан, болалар озиқ-овқати ҳамда сув тозалаш ускуналарини етказиб бериш юзасидан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарорларни табриклайди, дейилади баёнотда (бу ерда гап Ироқ билан Қувайт ўртасидаги муносабатларда юзага келган вазият сабабли таъсис этилган ҳавфсизлик кенгашининг қўмитаси ҳақида бормоқда).

Кенгаш қўмитани инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларга тезлик билан жавоб қайтаришни давом эттиришга чақирди.

Қўмитага Ироқда табобат, жамоат соғлиғини сақлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги оғир шароитлар хусусида келаётган ахборотлар ва тавсияларга алоҳида эътибор бериш қатъий тавсия қилинди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Юнисеф, халқаро Қизил крест қўмитаси ва бошқа ташкилотлар Ироққа бундай ёрдам бермоқдалар ва яна ёрдам берадилар. Ушбу муассасалар мазкур жараёнда фаол хизмат қилишга ва қўмита ишида қалин ҳамкорлик қилишга даъват этиладилар.

Кенгаш Бирлашган Миллатлар ташкилоти бош котибининг бош котиб ўринбосари Мартти Ахтисаари бошчилигидаги делегацияни зудлик билан Ироқ ва Қувайтга юбориш режасини табриклади. Делегация тангликдан кейин рўй берган муҳитда инсонпарварлик тусидаги эҳтиёжларни ҳисоблаб чиқиши керак бўлади.

Баҳор келди. Табиийки, олам қайтадан яшариши билан одамлар кийим бошларида ҳам ўзгариш юз беради. Айниқса, аёлларни айтинг, очилиб-сочилиб, яйраб-яшнаб юришади. Лекин шундай гўзал айёмларда кўнгилдагидек чиройли кийинишнинг иложи бормикан? Дўконларда ҳеч вақо йўқ, расталар бўм-бўш.

Фарангистон чеварлари таклиф қилаётган ушбу баҳорги-ёзги кўйлак шарқ қизларининг ҳам кўнглини кўтарармикан?

АП — ТАСС. Телесурати.

Янги Тошкент консерва заводининг раҳбарлари бундан буён цехларга кирмасдан ҳам жойлардаги ишларнинг қандай бораётганидан доимо бохабар бўлиб туришади. Барча зарур маълумотларни улар «учет» марказлаштирилган назорат қурилмаси телеэкранларидан олишади. Бу қурилмани заводда «Узагроинформ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари жорий этишди.

кентдаги 2-мева-сабзавот комбинатидаги маҳсулотни сақлаш хоналарига ҳароратни масофадан туриб назорат қилиш қурилмасини ҳам ўрнатганмиз. Илгари бу ердаги ҳароратни билиш учун хоналарни кунига бир неча марталаб очишга тўғри келарди. Бунинг натижасида маҳсулот бузилиб қоларди. Бу қурилма йилига бир неча ўн минг сўм маблағни тежаш имконини бераяпти.

Автоматика ёрдам бераяпти

Технология линияларига ўрнатилган асбоблар бўш идишлар қанчалиги ва қандай ҳаракат қилаётгани, тайёр маҳсулот тўғрисида тўлатўкис ва аниқ маълумот беради. Бир банка ҳам консерва «чет»га чиқиб кетаолмайди. Система сув, буғ, электр энергияси сарфини ҳам назорат қилиб туради. Бу линия бераётган йиллик иқтисодий самара 20 минг сўмдан ошаяпти.

— Биз корхонада ўрнатган назорат системасини, — дейди «Узагроинформ»нинг бўлим бошлиғи М. Незамов, — комбинат мутахассислари юксак баҳолашди. Биз Тошкентдаги 2-мева-сабзавот комбинатидаги маҳсулотни сақлаш хоналарига ҳароратни масофадан туриб назорат қилиш қурилмасини ҳам ўрнатганмиз. Илгари бу ердаги ҳароратни билиш учун хоналарни кунига бир неча марталаб очишга тўғри келарди. Бунинг натижасида маҳсулот бузилиб қоларди. Бу қурилма йилига бир неча ўн минг сўм маблағни тежаш имконини бераяпти.

Бўлим деҳқончилик-саноат комплексининг ҳар қандай корхонасига шундай автоматларни ўрнатиб бериши мумкин. Лекин шуниси ёмонки, бу корхоналарнинг раҳбарлари ҳозирча янгиликларга унча қизиқишмаяпти.

— Чамаси, улар бизнинг имкониятларимиздан яхши хабардор эмас, — дейди М. Незамов. — Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш даражаси юксаклигидан ҳайратланишга чек қўядиган вақт келди. Энди шундай қурилмаларни ўзимиз ҳам жорий этишимиз керак.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТЕННИСЧИЛАР КУБОГИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН!

● МАЪЛУМКИ, кўпсонли теннисчилар ўртасида Дэвис кубоги учун мусобақалар ўтказилади. Спортчилар бунга алоҳида ҳурмат билан қарашади. Лекин ҳамма ҳам унинг тарихини билавермаса керак. Биллур ва кумушдан тайёрланган 6 килограммлик бу қадаҳ қандай қилиб теннисчиларнинг кубогига айланиб қолди, деган саволга яқинда очиқ-ойдин жавоб беришди.

Ўтган асрнинг охирларида АҚШнинг давлат котиби Дуайт Ф. Дэвис никоҳ тўйининг йиллиги муносабати билан хотинини табриклаш учун совға сифатида қимматбаҳо салат идиш буюртма беради. Лекин Дэвиснинг бу совғаси хотинига ёқмайди. Шунда Дэвис идишни теннис мусобақаси ташкилотчиларига тортиқ қилади. Шу йўсин Дэвис кубоги анъанага айланади.

У ҲАММАДАН БАЛАНД ЭДИ

● 70-ЙИЛЛАРДА дунёда энг баланд бўйли одам, деб ном чиқарган Триполи шаҳрилик Сулаймон Нашнуш марказий касалхоналардан бирида инфаркт миокарддан 47 ёшида вафот этди. Жана агентлигининг хабар беришича, Сулаймоннинг бўйи 2 метру 48 сантиметрга тенг бўлган. Уйланган.

У касалхонага келтирилганда шифокорлар жуда қийин аҳволга тушиб қолишди. Чунки Сулаймон сиғадиган бирорта каравот топилмади. Тахталардан махсус жой қилинди ва 4 та кўрпани улаб каравотга таглик тўшашди.

100 КУН ВА 100 ТУН

● ТАВБА, одамларгаям ҳайрон қоласан. Бири-биридан ўтаман, дейди-я. Яқинда АҚШлик бир одам 46 кеча-кундуз заҳарли илонлар билан бир хонада яшаганлиги ҳақида хабар босилганди. Энди бўлса бу муддатни 100 кунга етказадигани ҳам чиқибди. У Индонезиянинг Бандунг шаҳрида истиқомат қилувчи 32 ёшли Томми Сухартодир. У юздан ортиқ кўзойнакли илонлар билан роппароса 100 кеча-кундуз бирга яшади. Бу билан АҚШлик рақибини доғда қолдирди ва Сухартонинг номи «Гиннеснинг Рекордлар китобига» тиркаладиган бўлди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Раҳмонқулхон тақдири

Мен 1986 йилдан буён бу сирни сақлаб юрдим. Тилим дилимдагини гапиролмасди. Лекин қачонлардир вақт келишини, билганларимни одамларга гапириб беришимга ишонардим. Матбуот эълон қиларминан, деган шубҳа ҳам мени эзиб юрарди. Матбуот қонуни кучга киргач «Ёш ленинчи»га бўлган умидим ортди. Бундан ташқари «Комсомолкада»ги кичик хабарча ҳам бу сирни айтишга туртки берди. Афғонистоннинг тоғли Бадахшон вилоятининг чекка бир ҳудудида Артинжила деган қишлоқ бор. Шу қишлоқда кўримсизгина, эгнида чакмони эскириб кетган Навкар бува яшайди. Бир кечалик суҳбат орадан тўрт йил ўтса ҳам мени қийнайди. «Тақдир, — деганди ўшанда Навкар бува, — банданинг пешонасига шўр қисматни ёзган»...

«Комсомолка»нинг сентябрь сонларидан бирида босилган хабарча шундай бошланади: «Турк қирғизларининг йўлбошчиси Раҳмонқулхон бундан бир неча кун илгари 86 ёшда Туркияда вафот этди»...

Ким у, Раҳмонқулхон? Насл-насаби ким? Бу одам жуда узоқ вақт назардан қолиб кетди. Ҳеч ким у ҳақда гапиришни истамасди. Чунки Шўро манбаларн 40-йилнинг бошларидаёқ у ҳақда ҳукм чиқариб қўйганди: «Халқ душмани!»

«Кимки одамлар орасида Раҳмонқул деса, шу одам тавбасига таянтириларди. «Сен босмачини мақтаяпсан, демак сен ҳам босмачи бўлгансан» дея таҳқирланарди. 1975 йили Андижоннинг Олтинкўл ноҳиясида яшовчи бир чол «Раҳмонқул ажойиб одам эди» деганида ёнида ўтирган бир «зиёли» ходимдан тарсаки еди.

Раҳмонқул келиб чиқиши жиҳатидан Ўш вилоятининг ўзига тўқ хонадонидан эди. 1904 йилда туғилган. Отаси мавсумий чоракорларни оларди. Шахсий мулки ҳисобланган озроқ ерида деҳқончилик қиларди. Эрта баҳордан кеч кузгача ерни бир гуруҳ кишига бўлиб берарди. Бу одамлар экин экиб ҳосил кўтаргач, ҳосилнинг маълум қисмини ер эгасига, маълум қисмини ўзига тақсимларди. Бу одамнинг овулда обрўси яхши эди. Кексаларнинг гувоҳлик беришича, у ҳеч қачон ҳосилга, бойликка хасислик қилмаган. Одамларга қарата «кафансиз кетмайлик» деб айтарди. Раҳмонқул мана шундай ота хонадонида ўсди. Лекин унинг тақдири отасиникига ўхшамади. 1917 йилга келиб замон алғов-далғов бўлди. Ҳамма тенг яшаймиз, деб кўчага чиқди. Начора, Раҳмонқул ҳам шу одамларнинг бири. Менинг бойлигим бор, деб. баъзиларга ўхшаб қилич кўтариб чопмади. 1919 йилда одам келди, «ерни бер» деб. Раҳмонқул ернинг бир қисмини ўзига олиб қолиб, қолганини ўзини органдан деб таништирган одамга хатлаб берди: «Элим, кафансиз қолмаслигимга ишондим. Ер сизники, олинг!». Орадан 71 йил ўтиб «Комсомолка» ёзди: **«Раҳмонқул дастлаб Шўро ҳокимиятининг тузилишига қаршилик кўрсатмаган!»**

Орадан ўн йил ўтди. 1929 йилга келиб Ушнинг чекка бир овулида одамлар негадир замондан норози бўла бошлади. Сиёсат одамларни кўнглига ўтирмади. Раҳмонқулдан маслаҳат сўрашди. Бир тўда йигит «курашиш керак, ахир ҳосилнинг ҳаммасини давлат олиб қўяяпти» деб ғалаён қилди. Лекин негадир Раҳмонқул жим... Олтмиш йил мобайнида шўро матбуоти Раҳмонқулни «босмачи», «авантюрист» деб баҳолаб келди. Тарих дарсликларида босмачилар деб гапирилганда дастлабки номлар қаторида Раҳмонқул номи ҳам тилга олинди. Унга отилмаган туҳмат қолмади. Ваҳоланки Раҳмонқул 1936 йилга қадар ҳеч қачон Шўро ҳукуматига қарши қурашмаган. Сталиннинг маъшум сиёсати ҳаммани ямлаб юта бошлагач, Раҳмонқул ҳақиқатни англади. 1933 йили НКВДидан одам келиб уни қамоққа олди. Унга «Сен буржуйсан» деб айб қўйишди. Октябрь тўнтаришидан 16 йил ўтиб, Раҳмонқулни «бойсан» деб эслаб қолишди. Бечора Раҳмонқулни ўзига тўқ хонадонданлиги бўйнига таққир бўлиб ёпишди. Раҳмонқул бу бойликларни халқни талаб олмаганди. Унга ота-бобосидан мерос қолганди. Лекин жамоалаштириш сиёсати қулоқ қилиш билан ном чиқара бошлаганди. Ўртаҳол деҳқонни шўри қурди.

30-йиллар жамоалаштиришида Ўрта Осиёдан минг-минглаб одам қулоқ бўлиб кетди. Уйидан бир пуд буғдой чиққан одам бой ҳисобланди. Таърифи битта «Ёт унсур!» Ваҳоланки, туркийларда бир одат бор: қадим-қадимдан уйда буғдой сақланган. Ёмон кунга асқотар, деб озгина егуликни заҳирага олиб қўйишган. Ҳатто ҳозирги кунгача кексалар шундай қилишади. Уйда ҳеч бўлмаганда бир қопгина буғдой сақлашади. Мана шу урф-одат учун 30-йилларда деҳқоннинг бошида таёқ синди: «Нега уйингда буғдой сақлайсан, халқ душмани экансан!». Қолганини қулоқ қилиб Украинага ҳайдаб юборди. Улар Украинада пахта экишди...

Мана шу кун Раҳмонқулнинг ҳам 1933 йили бошига тушди. НКВД ходими уни бир ҳафтадан сўнг вақтинча қўйиб юборди. Шундан сўнг у 1936 йили ўзига эргашган 6 минг одам билан Хитой ҳудуди томон юрди. Бу олти минг одамнинг ҳаммаси оиласи билан жўнаганди. Шўро аскарлари уларнинг олдини ўраб чиқишди. Лекин Раҳмонқул одамлари ҳам бўш келмадилар. Тянь-Шань тизмалари орқали барибир Шин Жонга ўтиб кетишди...

96 ёшли Навкар бува менга деди: «Раҳмонқулни кўп суриштирма. Унинг тақдири ҳеч кимнинг бошига тушмасин. У бировга юр кетдик, дегани йўқ. «Раҳмонқул кетармиш» деган гапни эшитгач, бутун овул у билан қўшилиб жўнади. Ҳатто НКВДини бир одами ҳам Раҳмонқул билан кетди. Аммо уни Хитой чегарасида Шўро ҳукумати ушлаб олиб, отиб юборди. Адашмасам оти Бердикул эди».

Қочоқлар деб ном олган бу одамлар 1940 йил бошларида Хитойдан кетишга мажбур бўлишди. Бу гал Афғонистондаги Помир тоғларидан паноҳ топишди. Раҳмонқул у ерда қирғиз хонлигига асос солди ва унга сал кам 40 йил (1940—1979 йй.) ҳукмдорлик қилди.

Раҳмонқулхон 1978 йилги Савр инқилобини тан олмади. Тез орада унинг аскарлари «Афғонистондаги чекланган Шўро қўшинлари» қисмлари ва янги давлат армияси билан жанг қила бошлади. Мен бир ҳақиқатни айтишим керак: Раҳмонқулхон аскарлари дарҳол Шўро қўшинлари билан жангга кирмади. Аввал тинч йўл билан чиқиб кетишни, Афғонистоннинг шимолий қисмидаги қирғизлар тинчлигини бузмасликни талаб қилди. Лекин уруш авж олиб кетди. Кучлар тенг эмасди ва Раҳмонқул тўрт минг ишонган аскарининг оила аъзолари билан бирга бутун лаш-лушларини йиғиб, 1980 йилнинг январида Покистон сарҳадига ўтиб кетди. Очиғи, тақдир Раҳмонқулни яна чархга отиб юборди. Орадан деярли 40 йил ўтиб уни бу жойдан ҳам чиқиб кетишга мажбур қилишди.

Покистоннинг иссиқ иқлими, тошларнинг ёзда ҳарорати кўтарилиб гармсел шамолни берадиган об-ҳавоси уларга ёмон таъсир қилди. Чунки қочоқлар тоғларнинг энг сўлим жойларида яшаганди. Америкаликлар унга АҚШ ва Канадага кўчиб ўтишларини таклиф қилди. Лекин Раҳмонқулхон рад қилди. Шунда Туркия ҳукумати қирғизларга ўз ҳудудидаги тоғли ўлка — Ван кўли оҳиясидан жой ажратиб берди. Бу ноҳиянинг табиати ҳам, иқлими ҳам, тили ва дини ҳам бирлиги туфайли ўзининг жонажон Қирғизистонини эслатарди. Жамоа қочоқ ҳисобланиб БМТдан, Туркия ҳукуматидан моддий ёрдам олди.

Раҳмонқулнинг 7 фарзанди бор. Унинг бир нечта ўғли иқтидорли рассом ва ҳайкалтарош бўлиб етишган.

Раҳмонқул 1990 йил августнинг охирларида 86 ёшида Туркияда вафот этди. Лекин тақдир унинг ҳаётини фақат тўлқинлар ичида яшатди. Залворли умр кечиришга тўғри келди. Марҳумнинг қариндош уруғларига Афғонистон, Иордания, Германия Федератив жумҳурияти, Покистон, АҚШ, Франциядаги қирғиз жамоаларидан таъзияномалар келди. Ҳатто бундан узоқ Австралиядаги қирғизлар ҳам четда туришмади. «Комсомолка» (шу хабарни «Ёш ленинчи» таржима қилиб босди) шундай ёзди: **«Қасоскор хоннинг ватанида эса — жимжитлик».** Раҳмонқулнинг вафоти ҳақида фақатгина «Советтик Киргизистон» рўзномаси хабарча эълон қилди. Мен Шўро матбуотидан унга ким илиқ баҳо беркан, деб ўйлаб юргандим. Хайрият, «Комсомолка»нинг ўзи берди: **«Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми бегона юртда вафот этган Раҳмонқулнинг тириклигидаёқ афсонага айланган номи Қирғизистон тарихидан ўрин олади».** Мен қўшимча қилардим: Ўрта Осиё тарихидан ўрин олади.

Абдул МАЛИК,
ТошДД толиби.

Янги шеърлар

Тўртликлар

Уйланиш аслида бу бир кунлик тўй,
Тўй эса ҳар икки ёш учун обрўй.
Олдин синашиб кўр, тўйга шошилма,
Кейин жанжал чиқса, бу минг кунлик ўй.

* * *

Бўлмаса ёстиқдошинг фикрингга мос,
Умр ўтгай ҳам йўқолгай эҳтирос.
Энди бу оиламас, билсанг агар,
Бир қафасда икки хил қушга қиёс.

* * *

Эъзозлагил онангни, кўнглин авайла, шод қил,
Унинг қароргоҳини доимо обод қил.
Неки яхшилик бўлса, қилғил тириклигида,
Оламдан ўтса билмас, қон йиғла, хоҳ фарёд қил.

* * *

Арзимаган жанжалдан ажралишдилар, бироқ —
Қалбларда ёнди сўнгра умид деган шамчироқ.
Келар деб, бир-бирини кутар, ҳатто тунлари
Ухлашга кўз юмса ҳам, интиқ кўнгиллар уйғоқ.

Орифжон УМАРЖОНОВ.
Фарғона.

Ўтинч

(«Ғалати аёл» фильмини кўриб)

Ҳаво булут кийди, қуёшни
тўсиб,
Овоз берди олис
момагулдурак,
Айрилиқ шарпаси келди-да
босиб,
Меъёрин йўқотди беқайғу
юрак.
Кўзларим булутга ёйдек
санчилиб,
Қуёшни қидирди, излади нажот.
Келажак гўёки кетди
янчилиб,
Қиёмат аталди мен учун
ҳаёт.

Бармоқлар титради муштга
айланди,
Ички бир нидони тутолмадим
сир.
Бахтиёр дамларим тушга
айланди,
Бахтимга чанг солди
бешафқат тақдир.
Ҳаловат йўқолди, йўқолди
тинчим,
О, она табиат, фақат топ
маъқул —
Ҳар юракка инсоф, шуур
ўтинчим,
Ваҳшатдан сўнмасин табассум
ва гул...

Нуриддин АМИНЖОНОВ.

Муҳаббат

Келмаган Ҳизрга қўлимни
тутдим,
Кўзларим орзуга кетди
айланиб.
Ёлғаётган қорин капалаб
ютдим —
Муҳаббат байрамдир,
байрамдир...
Хазонлар йўлимни тўлдирди,
тонгда,

Тут емоққа бордим сенинг
йўлингга.
Осилиб йиғладим тут
шохларига —
Муҳаббат ўлимдир,
ўлимдир...
Хазонлар йўлимни тўлдирди
тонгда...

Азамат ТОВБАЕВ.

ЧЎМИЛИШ ҚАНДАЙ МАЗЗА!

С. ВЕЛИЧКИН сурати.

Танлов эмас, байрам

Боболаримизнинг тўйлари бахшиларсиз, дарбозларсиз, масхарабозсиз ўтмаган. Улар халқимизнинг севимли кишилари саналган. Момоларимиз фарзанд кўришганларида яхши ният билан, илоҳим фалончи бахшига ўхшасин, деб, унинг исмини қўйишган. Уларни қадрлаганлар. Кейинги йилларда биз янги авлод бу ижодкорларнинг ҳурматини жойига қўя олмадик. Уларнинг ширали, халқона овозини эшитишга ярамай қолдик. Чунки бизнинг қулоқларимиз ғарбнинг «тарақ-туриқи»дан донг битиб қолганди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари жумҳурият илмий-услубият маркази ташаббуси билан Халқ ижодиёти III Бутуниттифоқ фестивали доирасида жумҳурият кўрик танловини ўтказди. Кўрик танлов ғолибларининг якунловчи томошаси В. И. Ленин номидаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтди.

Саҳнада дарбозчилар, мақомчилар, раққосалар, масхарабозу қизиқчилар ўз санъатини томошабинларга намойиш қилдилар. Бу ер сарой саҳнасини эмас, балки кўпроқ халқ байрамини эслатарди. Айниқса Хоразм вилоятининг «Оразибон», Фарғона вилоятининг «Райҳон», Жиззах вилоятининг «Камолот» халқ ансамбларининг чиқишлари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

ҲАР ҚИМНИНГ ЎЗ НАВОИЙСИ БОР...

«Навоий менинг тасаввуримда» — Андижонда очилган кўргазма шундай номланди. Бу кўргазма Охунбобоев номли вилоят театри фойесида очилди. Бу ерда ёш шаҳарликлар — мактаб ўқувчиларининг ва рассомчилик тўгараклари иштирокчиларининг 250 дан зиёд асари намойиш этилган.

Ҳар бир асар — ёш рассомлар буюк шоир ижоди орқали тасаввур қилган алоҳида бир оламдир. Навоийнинг ғазаллари ва мухаммаслари, рубоийлари ва таржималари, шунингдек, унинг тўрт шеърий девони — «Ғаройибус сиғар», «Наводируш шабоб», «Бадоеул васат», «Фавоидул кибар»га кирган асарлари болаларни илҳомлантирган. Болалар Навоий даврини ҳам энг майда тафсилотларигача тасаввур қилиб, ўша давр одамлари либосларини, турмушини аниқ тасвирлашга уринганлар.

Шуниси қизиқарлики, бу кўргазма очилишидан олдин шаҳардаги барча мактабларда рассомлар орасида танловлар ўтказилди. Энг яхши расмлар кўргазма учун танлаб олинди. Бир йил давомида бу кўргазма янгиланиб ва тўлдириб борилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Азиз муштарийлар!

Рўзномамизнинг 23 февраль сонидаги «КАМАЛАК» рубрикасида босилган «ДИҚҚАТ, ҒАРОИБ ТАЖРИБА» мақоласи юзасидан сиз ихлосмандларга табибнинг таклифига биноан қуйидаги эълонни ҳавола этамиз.

«24-28 февраль кунлари жумҳурият аҳолисига сиртдан таъсир этиш сеансларидан сўнг, таъсир остида фойда олган ва шифо олиб улгурмаган ихлосмандлар билан

Абдурафиқ ҒОФУРОВ

13-17 март кунлари
«Юбилей» марказий спорт Саройида
бевосита учрашувлар асосида барча дардлардан халос этиш ниятида

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Сеансларда қуйидаги касалликлар шифо топади: муттасил бош оғриқлари, уйқусизлик, қонбосим, бронхит, астма, қандли диабет, остехондроз, полиатрит, артрит, артроз, юрак хасталиклари, ўпка, буйрак ўтпуфак, ичак, ошқозон, тери ва кўз касалликлари, сариқланиш асоратлари; умуртқа поғона, ҳамда қўл-оёқ суяклари жароҳатларининг оғриқлари йўқотилади. Бундан ташқари семириб кетиш, озиб кетиш, жинсий заифлик ва бефарзандлик дардларидан фориғ бўлиш имкониятлари ҳам бўлади.

Сеансларда даволанишдан ташқари табиб барчангизни ўзга сайёралар сари руҳий саёҳатларга таклиф этади.

Сеанслар ҳар куни соат 16.00 ва 19.00 да бошланади.

Чипталар сарой кассаларида ва жамоатчи кассирлар томонидан сотилмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 46-03-12, 77-56-10.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИ

17 МАРТ СОАТ 16.00 ва 19.00 ДА
Ўзбекистон Маданият жамғармаси
Ўзбекистон телевидениесининг «3-студия» ёшлар тунги кўрсатуви

СИЗНИ

«НАВРЎЗ» томошаларига таклиф этадилар.

РУСТАМ ОЛИМОВ, АҲРОР УСМОНОВ, САФИЯ САФТАРОВА, СИДДИҚ МАҲМУДОВ, ФОЗИЛ ШАРИПОВ, АБДУЖАББОР ЛАТИПОВ.

«ҚИЗИҚЧИ-89», «ҚИЗИҚЧИ-90» кўригининг совриндорлари
ака-ука АБДУЛЛА ва АҲМАДАЛИ АКБАРОВлар
ФАҚАТ БИР КУН
Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-92-54, 39-41-46.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Чипталар Сарой кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилмоқда.

1991 ИИЛ — НАВОИЙ ИЙЛИ

Тантанали анжуман

Шу кунларда жумҳуриятимизнинг кўпчилик ўқув муассасаларида улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб тантаналар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтнинг Октябрь ноҳиясида жойлашган Йўлдош Охунбобоев номидаги 45-ўрта мактабда бўлиб ўтди.

Зиёфатнинг юқори синф ўқувчилари устозлари бош-қошлигида қизиқарли концерт программасини тайёрладилар. «Навоийхонлик» кечасининг биринчи қисмида йигит ва қизлар мушоира қилдилар, шеърият тождори газалларини куйга солиб ижро этдилар. Кечанинг иккинчи бўлимида ўқувчилар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишларининг ижроси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Бу анжуманни мактабимиз ўқувчилари ўз куч-қувватлари билан мустақил тайёрлашга интилдилар, — дейди кеча ташкилотчиси, она тили ва адабиёти муаллими Сиддиқжон Соипов. — Кўриб турганингиздек қизлар миллий кўйлакларда, бошларида дўппи. Йигитларимиз ҳам саҳна кўринишлари учун ўзлари кийимлар топишга, Навоий замони руҳини мактабимиз саҳнасига олиб чиқишга уриндилар.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Қўлёзмалар олий илмгоҳининг бўлим мудири, филология фанлари доктори Муҳаммаджон Ҳакимов, шу муассасанинг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, туркшунос олим Қозоқбой Маҳмудов, филология фанлари номзоди, доцент Сиддиқ Асқаровлар ҳазрат Навоийнинг ижодий меросларн ҳақида маъруза қилдилар.

(Ўз мухбиримиз).

«Инсон тақдири»

Яқинда Андижон вилояти Хўжаобод ноҳиясидаги «НУРОНИЙ» чойхонасида «ИНСОН ТАҚДИРИ» деб номланган хайрия кечаси бўлиб ўтди. Кечада Хўжаободнинг нуфузли раҳбарлари билан ночор оилаларнинг аъзолари битта дастурхон атрофида дилдан суҳбатлашдилар. Учрашувни ноҳия фирқа қўмитасининг котиби Розия Тоштемирова олиб борди. Кечада Булоқбоши масжидининг имоми Ҳожи домла, обод масжидининг имоми Абдуманноб Абдураҳмонов, кулгисевар ёзувчи Тўхташ Ашуров, Хўжаобод ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котиби Мадаминжон Маматазимовлар ҳам сўзга чиқиб чойхонага ташриф буюрган юртдошларининг кўнглидаги гапларни топиб айтдилар.

Учрашув сўнггида Хўжаобод ноҳияси жамғармаси ҳисобидан йиғилганларга гуруч, сариёғ, чой, оққанд ва уларнинг фарзандлари учун уст-бошлар тарқатилди. Кечага келолмаган кишиларнинг улушлари эса ўша куннинг ўзидаёқ уй-уйларига элтиб берилди.

Хуллас, 20 февраль куни Хўжаободдаги 133 та ёрдамга муҳтож хонадонда умид чироқлари ёнди.

Эзгу ишнинг кети узилмасин. Зеро, эл меҳрини, юрт тафтини ҳис қилиб яшаган ҳар қандай оиланинг оёққа туриши шубҳасиздир.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

6.III.91. N.37

Ёшлар ижоди



У қўшиқ айтса...

Биз узоқ йиллар ёрдамга муҳтож хонадонлар, бир оғиз ширин сўз ва меҳрга ташна одамлар ҳақида гапиришдан ор қилдик, тилимизни тийдик уларни кўрсак ҳам, баъзан кўрмасликка олдик. «Визда бой ҳам, камбағал ҳам йўқ» деб ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилдик.

Бугун эса ночор оилалар, ночор одамлар тўғрисида жуда кўп, ҳатто меъёридан ортиқроқ ҳам гапирилмоқда, дийдаси қотган кишиларнинг кўнглини юмшатиш, унга яхшилик уруғларини сепиш ниятида хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. Зеро, эзгуликнинг кечи йўқ дейдилар.

Юрагингиз зардобга тўлган чоғда унга малҳам ахтарасиз. Шу пайт қаердандир қалбингизга ҳамоҳанг мунгли бир куй янграб, хонанданинг жозибадор овози зардоб тўла юрагингизни парчалай бошлайди. Қийноқ азобига чидолмай тўлғанасиз. Созанда эса куйни тўхтатмайди, унинг ширали овози сизни сел қилиб юборади. Юрагингиздаги зардоб ҳам шу селга қўшилиб, сизни тарк этади. Энди хонанданинг мунгли сози, оҳанграбо овози сизни аста-секин бағрига олганча аллалай бошлайди. Ўзингизни худди она қучоғида ётган гўдакдек сезасиз. Қушдек енгил тортасиз.

Ана шундай дардингизга малҳам бўладиган, сизни ўтли азоблардан халос қила оладиган хонандалар кам эмас. От изини той босади, деганларидек вақт ўтиши билан устозлар ўрнини янги авлод тўлдириб бораверади. Бу ҳаёт қонуни. Аҳрорнинг «Биламан яшайсан» ашуласини эшитганимда мана шу фикрлар хаёлимдан ўтди.

Аҳрор Усмоновнинг ойнаи жаҳонда пайдо бўлиши кўплаб қўшиқ шайдолари орасида мунозараларга сабаб бўлди. Кимдир Шерали Жўраевга тақлид қилишда айбласа, яна бири бу вақтинчалик ҳолат эканини, бирор фурсат ўтиши билан ўз йўлини топиб кетишига ишончи комиллигини баён қиларди. Бирор яхши нарса ҳамма вақт мунозарага сабаб бўлади. Демак, янги йил янги бир иқтидорни кашф этди.

— Мен ҳам қишлоқ йўлларини чангитиб ўсганман. Ўшанда учинчи синфда ўқирдим. Тоғам билан дўконга кириб, қашқар рубобини сотиб олдик. Тоғам рубобда, қайсидир куйни чалиб кўрди. Мен ҳам рубобни қўлимга олиб, унинг торларини чертгим келди. Шу торларда қандайдир сир мавжудлигини юрак-юрагимдан туйиб турардим. Ўшандан буён бу оҳанграбо мени ўзига тортиб келади, — дейди суҳбатимиз давомида Аҳрор.

Ҳа, ўша оҳанграбо Аҳрорни ўзига эргаштириб янги бир йўл бошига чиқариб қўйди. Бу санъат йўли. Бу йўл эртаклардагидек азобли, изтиробли, лекин бахт томон элтгувчи йўл. Бу йўллардан кимлар юрмаган! Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров... Санъаткор бўлиб халқининг хизматини қилганлар ҳеч қачон кам бўлишмаган.

Аҳрор устозлари ҳақида гапираркан, шундай дейди: мен ёшлигимданоқ Шерали Жўраевга ўхшашни жуда-жуда орзу қилиб юраман. У кишининг жарангдор овози етиб бормаган хонадон бўлмаса керак. Ўқувчилик йилларимда Шерали ака билан учрашишни тасаввур ҳам қилолмасдим. У киши мен учун илоҳий бир зот эди. Илк бора Тошкентдек шаҳри азимга келган кунларим Халқлар Дўстлиги саройида Шерали аканинг концерти бўлди. У кишини кўриш учун олдинги қатордан билет олдим. Қараб кўзларимни узолмайман. Гўё туш кўраётгандек эдим. Бу учрашув юксак чўққиларни кўзлаган орзуларимнинг дунёга келишига туртки бўлди. У киши қийналган кезларимда руҳий мададкор бўлди. Шу сабаб Шерали ака мени ўзларининг шогирди ҳисоблайдими, йўқми билмадим, аммо мен барибир ҳамма жойда, ҳамма вақт устозим Шерали Жўраев дея оламан. Бунга ҳаққим бўлса керак.

Қизиқ, ўйланиб қоламан. Шерали аканинг шогирд ҳақида айтган гапи эсимга келади. «Улар (шогирдлари) мени устоз деб айтмас экан, мен, бировни, бу менинг шогирдим дейишдан қўрқаман». Демак Аҳрор Шерали Жўраевнинг шогирди. Балки шунинг учун ҳам унга тақлид қилаётгандир. Йўқ, бу вақтинчалик ҳолат. Аҳрордаги энг керак нарса — истъедод бор. У вақти келиб ўз йўлини, «ўз сўзи»ни топиб кетади. Ҳозир Огаҳий, Э. Воҳидов, О. Орифий ва бошқалар сўзи билан куйланадиган қўшиқлардан ташқари ўзи шеър ёзиб, ўзи куй басталаб, ўзи куйлаётир. Бунақа истъедод ҳаммага ҳам насиб қилавермаса керак.

Гап орасида ундан ҳозирги эстрада ансамблари ҳақидаги фикрини сўрадим.

— Миллийлик бу ҳар бир халқнинг ўқ илдизи. Лекин у фақат ўқ илдиз билан яшай олмайди. Балки унга ён илдизлар (эстрада) ҳам зарур. Лекин ён илдизлар ҳеч қачон ўқ илдизнинг ўрнини босолмаслигини ҳам унутмаслигимиз керак, — дейди у.

Аҳрор ҳозир Ёшлар Ташкилотлари Қўмитаси ҳузурида миллий ансамбль очиш учун елиб-югуриб юрибди.

— Ҳозирча ҳаммаси яхши кетаяпти, — дейди у. — Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси бу ишда менга моддий ҳам маънавий ёрдам бераяпти.

Аҳрорни эрта баҳорда илк бора гуллаётган ниҳолга ўхшатгим келади. У ҳозир ўзининг нафис гуллари билан кўпчиликни шайдо қилаётган бўлса, бир кун келиб унинг мевалари инсонга маънавий озуқа бўлади. Лекин хаёлимда хавотирлик...

Хонанда қўшиқ куйлаяпти. Унинг ширадор овози бағрингизга сингиб, қонингиз билан қўшилиб, қалбингизни завқу-шавққа тўлдиради. Қалбингизда янги орзу-умидлар куртак ёза бошлайди. Зеро, қўшиқ — эзгуликнинг онаси.

Ж. НУРИММАТОВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7 МАРТ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Сеҳрли паровозча». «Чавандозлар байрами». Болалар учун фильмлар. 9.20 «Қалин ўрмонзор оралаб». Телефильм. 9.45 Араб тили (такрор). 10.15 «Содиқ шогирд». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.05 «Дадабой ва соат». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ахборот» (рус тилида). 19.00 «Жамоат ташкилотларида. 19.30 «Ахборот». 19.55 Москва. **Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Вақт». 22.15 «Халқ иродаси». 22.25 «Тамарахоним». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм). 22.55 «Нафосат». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган кўрсатув. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида). 20.00 «Пульс». Хабарлар (рус тилида). 20.10. «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.15 «Чехран ҳунар». Мушаррафа Қосимова. 23.30 «Уйғур ойласи». Фильм-концерт.

● МТ I

7.00 «Тонг». 9.30 «Чемпионлар билан биргаликда». 9.50 Футбол. Европа кубоклари. 11.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.30 «ТСН». 12.45 Футбол. Европа кубоклари. 14.25 «Сўзимизнинг акс-садоси». Китоб ва китобхон.

* * *

15.30 «ТСН». 15.45 Мультфильмлар: «Қарға ва тулки», «Какку ва хўроз», «Илдизлар ва поялар». 16.10 «Онам, дадам ва мен». 16.40 «... 16 ёшгача ва ундан катталарга мусиқий илова. 17.25 «Ганжина» тожик фольклор ансамблининг концерти. 18.00 «ТСН». 18.20 МТ экранида биринчи марта. «Қирол гвардиясининг ўқчиси Квентин Дорварднинг саргузаштлари». Бадиий фильм. «Мосфильм», «Букурешти» (Руминия) иштирокида. 19.55 **Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт». 22.15 «Сизни Лариса Рубальская таклиф этади». 00.35 Ҳужжатли фильм. 00.55 «Меридиан. Халқаро янгиликлар. 01.10 «Пи» белгиси билан.

Тунги телевидение

02.10 «Менинг фариштам». Ҳужжатли фильм. 02.40 «Дам эркак, дам аёл». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● МТ II

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15, 10.25 «Балиқча сув остида сузади». Телефильм. 9.35, 10.45 Табиатшунослик. 3-синф. Салом, кўклам! 9.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Теварак атроф билан таништиш. 1-синф. Бизнинг оналаримиз. 11.55 «Адам Смит бойлиги дунёси».

* * *

12.55 «Серафима Глюкинанинг оддий кунлари ва байрамлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.10 «Фронтдош дугоналар». 14.30 «Якшанбалик болалар». Телефильм. 14.45 П. Ершов. «Букри-тойчоқ». 16.15 Ритмик гимнастика. 17.30 «Кекса кедр дарахти ҳақида ҳикоя». Мультфильм. 17.55 «Инсон. Ер. Коинот». 18.40 Ритмик гимнастика. 19.10 «Миллесгорден» — учувчи ҳайкаллар боғи. 19.35 Коллаж. 19.40 И. Кальман асарларидан концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, қичқинтойлар! 20.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Зюкай гаштаклари» (Пермь). 21.15 Автоспорт. «Интердиректор». раллиси. 21.30 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 22.15 «Марта, Марта». Телевизион бадиий фильм (Германия). 23.45 «Бестужевка». Телефильм премьераси (Архангельск). 00.35 Рус халқ чолғулари оркестрининг чиқиши.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Зиёвиддин ОРТИҚХЎЖАЕВ, Карим РАҲИМОВ, Фарруҳ РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин РИХСИЕВ (масъул котиб), Қурбон ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўзнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: Ёшлар снёсати — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-55-96; табиат ва экология — 32-57-52; иқтисодиёт ва тижорат — 32-58-47; ахлоқ ва ахборот — 32-57-52; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; халқ таълими — 32-58-48; хатлар ва оммавий ишлар — 32-58-57; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Индекс: 64607.
380.000 нусхада чоп этилади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўзномамиз ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума, шанба кунларн чиқади.

Яна рўзномада кўришгунча!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Буюртма: 5098.